O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тиклание

Ўзбекистон Миллий тиклание демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 14 апрел | 9 (139)- сон

Бир ўқ атрофида айланар дунё

РОБЕРТ КОЧАРЯН: МЕН ПРАГМАТИКМАН. МЕН БИЛАН КЕЛИШИШ ОСОН

Арманистон президенти қилиб сайланган 44 яшар Роберт Кочарян «Известия» журналистлари Гаяз Алимов ва Сергей Баблумян билан суҳбатида шу сўзларни айтди. Журналистларнинг: сиз сайловнинг иккинчи навбатида ғалаба қозонганингиздан сўнг матбуотда ҳокимият тепасига миллатчи келди деб ёзишди. Сиз бунга қандай қарайсиз? — деган саволларига Кочарян чунончи, шундай жавоб берди:

— Рус тилида «миллатчи» деган сўз салбий маънога эга эканлигини тушунаман. Мана, инглиз тилида эса бу сўз унчалар салбий маънога эга эмас.

— Инглизчани яхши биласизми?

— Ёмон эмас. Нолийдиган жойим йўқ. Арман тилида ҳам бу сўз у қадар ёмон маънони англатмайди. Агар инсон миллий манфаатларнинг ташвишида юрар экан, уларни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан — бунинг нимаси ёмон? Мен бўлсам, арман муаммоларини тушунадиган, миллий нуқтаи назарларни ҳимоя қиладиган ва миллий манфаатлар учун қаттиқ турадиган одамман. Шунинг учун бу сўзга газеталарда ёзилаётгандек мазмун берилишини қабул қилолмайман. Гапнинг пўст калласини айтганда, мен «миллатчи» деган сўздан воз кечмайман.

ГЕЙДАР АЛИЕВ: ҲОКИМИЯТГА ЭГА КИШИ ЛИБЕРАЛ БЎЛОЛМАЙДИ

Россияда чиқадиган газеталардан бирига берган суҳбатида Гейдар Алиев Бокуга қайтиб келган собиқ президент Элчибейнинг имкониятлари ҳақида берилган саволга тўхталиб, унинг қонуний йўл билан яна ҳокимият тепасига келиш имконияти нўл даражада деди. Ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга эса Озарбойжонда йўл қўйилмайди. Алиевнинг фикрича, мухолифатга уюшган партиялар ҳозир фақат 2—3 фойизгина овоз ола билишлари мумкин, холос. «Ҳокимиятга эга бўлган киши либерал бўлолмайди», деб таъкидлади Алиев.

ПРЕЗИДЕНТ КЛИНТОН: ЧЕКИШГА ҚАРШИ ҲУЖУМ

Жаноб Клинтон 1995 йилда иккинчи сайлов пайтида Америкада чекишга қарши чинакам уруш эълон қиламан деб ваъда берган эди. Америка уч йил ичида чекишга қарши курашда мислсиз натижаларга эришди. Бутун америкаликларда чекиш ҳаддан ташқари зарарли ва бемаза бир нарса деган кайфият ҳосил бўлди. Ҳозир ишлаб ўтирганда, идорада, туалетда, махсус ажратилган жойлардан ташқарида чекиб кўринг-чи, ҳолингиз нима кечаркин? Бугун тамаки ишлаб чиқарадиган корпорациялар шундай аҳволга тушганларки, улар кейинги йигирма беш йил мобайнида давлат ғазнасига 500 млрд доллар жарима тўлаш хавфи остида қолдилар. Шунга қарамай ҳозир Америкада 40—50 миллион одам чекади. Бир йилда фақат чекишга 50 млрд доллар сарфланади.

БУТУН ЕР ЮЗИНИ ЎЗ ҲИМОЯМИЗГА ОЛАЙЛИК

Америка давлат котиби Меделин Олбрайт хоним коллежлардан бирида экология муаммоларига бағишланган нутқ сўзлаб унда жумладан қуйидагиларни айтди:

— Коллежни битирганингиздан сўнг сизга глобал экономика шароитида рақобат қилишга тўғри келади. Сиздан аввал ўтганларга нисбатан икки баробар кўпроқ юришингиз ва узоқроқ боришингизга тўғри келади. Қисқа қилиб айтганда, сиз бутун ер юзи миқёсида кун кечиришга дуч келасиз. Биз келажагимизни ўзимиз тасаввур қилган даражада қуришни истасак, атроф муҳитни қўриқлашимиз зарур бўлади. Радиациялар, парник газлар, аччиқ заҳарли ёмғирлар, айниган оқава сувлар харитага қараб ўтирмайди, чегараларни тан олмайди, божхона хизмати билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Шунинг учун ер юзидаги ҳар бир жойнинг экологик саломатлигини сақлаш учун биз бутун заминни ўз ҳимоямизга олмоғимиз даркор. Ҳозирги пайтда баъзан шундай енгил-елпи гапларни эшитиб қоламиз: экология муаммолари шундай нарсаки, уни ҳал этишни эртанги кунларга қолдирса ҳам бўлаверади. Гўё бу нарсаларни ечишни кейинги келаётган авлод зиммасига юкласа ҳам ҳеч нарса қилмайди. Аслида ундай эмас. Экология муаммолари бу — тўла маънода хавфсизлик муаммоларидир. Агар биз фарзандларимизнинг тақдирини ўтга ташлашни истамасак, барча жабҳаларда шиддат ва қатъият билан ишламоғимиз керак. Иқлимнинг умуммиқёсдаги ўзгаришлари бизни кутиб ўтирмайди ва биздан сўраб ҳам ўтирмайди...

ОИЛА — ЖАҲОН АЙВОНИДА



1. «Бизга яхши оналар беринг, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз», — деган экан бир файласуф. Яхшиликни эса яхши одамлардан кутган яхши. Инсон фитратан мукаммал қилиб яратилган. Унинг кўзга кўриниши мавжуд муҳит ҳамда тарбия билан боғлиқ. Ота-онанинг фарзандлари олдидаги бурчлари нафақат уларни кийинтириш, едириб-ичириш, балки унинг фитратида яширинган ана шу ботиний хислатларни тарбиялаш, шакллантириш ҳамдир.

Болаларнинг ота-оналари олдидаги бурчлари ҳақидаку жуда кўп гапириш мумкин. Орамизда баъзан ота-онаси, туғишганларидан нолийдиганлар ҳам учраб туради. Оз бўлса-да борлиги дилни хира қилади. Бу мутлақо мумкин эмас, менингча... Вақт ғанимат. Қўлдан келганча яхшилик қилиб қолиш керак. Ота-она учун ноқобил фарзанд энг ёмон, битмайдиган жароҳат.

2. Шаҳар ва қишлоқ оилалари орасидаги фарқ асосан уларнинг яшаш тарзидан ҳосил бўлади. Шаҳар нисбатан имкониятларга бой, яшаш тарзи қишлоққа нисбатан анча фарқ қилади. Тан олиб айтиш керакки, шаҳарда аёлларга бўлган ҳурмат ҳам юқори. Буни маданият белгиси деб англаймиз. Қуёш ҳам Шарқдан чиқиб Ғарбга ботади. Шарқни буюк маданият ўчоғи деб бежиз айтилмаган.

3. Хитойларда шундай бир доно мақол бор: «Дераза очилганда хона ичкарисига тоза ҳаво билан бирга чангғубор ҳам киради». Бу ҳам шу хил бир гап-да...

Мустабид тузум таъсирими, аёллар тирикчилик аравасини эркаклар билан баравар тортмоқдалар. Ҳолбуки, бир рўзғорнинг ташвишлари, болалар тарбияси қайси давлат хизматидан кам? Бу жуда мураккаб масала. Артур Шопенгауэр аёлларга шундай таъриф беради: «Аёл қадди-қоматининг ўзиёқ у на руҳий изтироблар ва на ер чопишдек оғир жисмоний меҳнат учун яратилмаганини кўрсатиб туради. Аёл яшаш мажбуриятини борлигича эмас, балки азоб-уқубатлар тарзида ўтайди: туғиш машаққатлари, бола боқиш, эрга қарамлик...» Бу фикр билан баҳслашиш мумкин. Лекин унинг замирида ҳақиқат ҳам йўқ эмас.

Жамиятга комил фарзандлар керак. Бунинг учун аёлнинг йўлларини яна ўз оиласига бурмоғимиз зарур.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
21 ёшда, Наманган

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ВА ГИМНАЗИЯ

Тошкентнинг Шойхонтаҳур туманидаги 254-Лутфий номидаги гимназияда юқори синф ўқувчиларининг «Миллий тиклаиш» газетаси ва Миллий тиклаиш партияси фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Президент Ислом Каримов жамиятимиз олдига қўйган миллий истиқлол мафкураси, — уни миллий тиклаиш мафкураси ҳам деймиз, — унинг аҳамияти, моҳияти, жамиятимиздаги ўрни ҳақида сўз борди.

Гимназия раҳбари ҳурматли Йўлчибой Абдуллаевнинг ҳикоя қилишича, бу мактаб 1985 йилда ишга тушган. Мактаб Фанлар академиясининг қўлёзмалар институти ҳамда педагогика университети билан ҳамкорлик қилади. Мактаб янги ташкил топган маҳалда унга олимларимиз Мавлоно Лутфий номини беришни таклиф этганлар. Лекин ўша пайт компартия райкомларида ўтирган кишилар: «Лутфий ким?» — деб сўрашган. «Нега дабдурустдан ҳеч ким танимайдиган ўрта аср шоирининг номини янги мактабга қўймоқчи бўляпсизлар? Нима, мактабни Лутфий келиб қуриб берганми?» — деганлар. «Бўлмайди!» — деб оёқ тираб туриб олганлар. Кўп тортишув, чоп-чоплардан кейин, ниҳоят қайта қуриш шабадалари ҳам эсиб, мактаб улуғ шоир номини олишга муяссар бўлди. Биз ўша пайт бир билим юртига Усмон Носир номини бериш қанчалар тўсиқларга дуч келганлиги, «ахир, Усмон Носир ким? Уни ҳеч ким танимайди-ку!» — деган эътирозларни эшитганлигимизни эсладик. Мана, сизга мустақилликнинг йўқлиги ва борлиги, мана сизга миллий истиқлол мафкурасининг борлиги ва йўқлиги. Истиқлолгина бизга барча йўқотилган ёки йўқ бўлишга маҳкум этилган миллий инсоний қадриятларимизни қайтиб берди. Миллий тараққиёт йўлига олиб чиқди. Маънавиятимиз сарчашмаларидан қониб-қониб баҳра олиш имкониятларини яратди. Янги истиқлол маънавиятини яратишга асос солди. Янги насл ва чунончи, 254-гимназия ўқувчилари бу нарсалар устида ўйлаётганлари, фикрлаётганлари, ўз ҳаётларининг режаларини шулар асосида қуришга интилиш бошлаганлари бизни жуда қувонтирди.

Гимназияда маданий мерос, она тили ва адабиёти, ижтимоий фанлар ва хусусан, тарих анча чуқур ўқитилади.

Мактаб гимназияга айланганлигига эндигина тўрт йил бўлди. Уни битириб чиқаётганларнинг тўқсон фойиздан кўпи олий ўқув юртларида муваффақият билан таҳсилларини давом эттирмоқдалар. Болаларда тирик, жонли, ижодий интилишлар яққол кўзга ташланади. Бунда албатта, гимназия раҳбарияти, ўқитувчилар жамоасининг ҳиссаси катта. Бу болалар билан, уларнинг ўқитувчилари билан сўзлашиш, фикрлашиш жуда мароқли. Буни ТВ «Синфдош» кўрсатувининг режиссёри ҳамда муаллифи Дилдора Рустамова «Сиз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?» мавзусида ўтказган дебатидан ҳам равшан кузатиш мумкин. «МТ» гимназиядан хурсанд бўлиб қайтди. Болалар «МТ» билан ижодий ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева, профессор Ҳамиджон Ҳомидий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлибека Раҳимбоева, вилоят «Маърифат» газетасининг муҳаррири Дилбар Бону, ёш мухбир Гулжамол шеър ўқидилар, ўқувчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

Манфаат ва маънавият

ПУЛ ЭРКИНЛИГИ

Пул ҳақидаги мулоҳазалар, фикрлар ва айни пайтда ўйланилаётган ўйлар, шу билан бирга турли мамлакатлардаги унга дахлдор ўтмишу замонавий қонунлар чексиз, пулларнинг сонидан-да зиёдадир. Баъзан замин кишиларининг бутун умри пул топишу уни сарфлашдан (ёки фақат топишдан), ёхуд уни топиш ҳақида ўйлашдан иборатга ўхшайди.

Айни давримизда бозор иқтисоди пулга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди, унинг одамлар эътиборидаги обрўси ортди. Ҳамма пулнинг аҳамиятини қайсидир даражада англагандай, моҳиятини тушунгандай. Ҳатто пул айрим кишиларнинг асл касб-корини қўйиб, бошқа ишнинг бошини тутишларига сабаб бўла олар эканки, кўп ҳолларда бунинг исботига дуч келяпмиз.

Бозор иқтисоди шароитида корхона ва ташкилотларнинг хусусийлиги сабабли бир хил меҳнатга белгиланган маошларнинг ўзи ҳар хил (аслида меҳнатни бир хил дейиш ҳам ўта нисбийдир). Табиийки, маош белгилаш хусусий корхоналар, жамоа ва ташкилотларнинг молиявий аҳволидан, кўзланган мақсад, қилинаётган ишларнинг қай даражада ҳаётийлигидан, тузилган режаларнинг асос фундаменти — заминидан ва ниҳоят оддийгина инсоний эътибордан келиб чиқади, албатта. Шу билан бирга, ҳақ тўлашда фақат маош билан чегараланилмайди, қўшимча даромадлар, имтиёзлар миқдори маошдан ҳам ошиб кетиши мумкин. Кузатамизки, хусусийлик ҳукм сургани учун уларнинг ишига четдан ҳеч ким, ҳеч қандай куч аралашмайдигандай, лекин барибир ягона «аралашувчи», керак бўлса ҳаммасини ҳал қилувчи бор, бу ҳам бўлса бозор иқтисодидир. Бу иқтисод жамики муомала-муносабатларни ички бир рул, ички бир «нигин» — жилов билан бошқариб туради. Илло одамлар манфаатсиз жойда ишламайдилар, ҳатто энг якка тартибда фаолият юритувчи субъект ўз-ўзидан ҳам манфаат талаб қилади, бу ҳаётий зарурат, яшаш учун курашдир. Хўш, бунинг заминида фақат пулга, бойликка ружу қўйиш маъниси ётадими? Йўқ, албатта. Пул қўлнинг киридай гап дейилади, лекин шу «кир» дунёдаги энг тоза нарсани — Эркинликни таъминласа не ажаб?! Фақат бу ўзгаларнинг пулини турли йўллар билан тортиб олиш эвазига қурилмаслиги, ҳалол бўлмоғи лозим (ҳалол бойиган бандасини худо ҳам суяди, бойлигига бойлик қўшади). Инсоният ҳар қандай мезондаги шароитда абадул абад эркка интилиб келади, бировга эгилиб яшашни истамайди, ҳамма ҳам моддий ва маънавий эмин-эркин бўлиш тарафдори. Оламга нигоҳ ташланг, наботот оламию, барча жониворлар ҳам бу интилишдан холи эмасдир. Маънавий ва моддий эркинлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тақозо қилади.

Кундалик турмуш тарзига назар солсангиз, кишиларнинг пулга, мол-мулкка муносабатлари жараёнида юзага келган ҳаётий хулосаларининг ибратли сўзларга айланиб кетганлигини кузатасиз. Бировдан пул ёки нарса сўрашни халқ тилида кўпинча «бировга сарғайиш» деган ибора билан ифодалайдилар. «Сарғайиш»нинг заминида эса ўзгага мутелик, қайсидир даражада эркдан айрилиш маъниси бор. Эҳтимол шу боис ҳам «сарғайгандан қуриган афзал» дейишар. Ўт-ўланлар, нозик ниҳоллар, новдалар — ҳамма-ҳаммаси яшиллик — ҳаёт тилаб нурга, қуёшга талпинади, тошларни ёриб бўлса-да, ҳар хил эгри-бугри туйнук-тешиклардан мингминг бўкилиб-айланиб, ҳалқаланиб бўлса-да, нур излайди, яшнагиси-яшагиси келади. Тангрининг қуёши беминнат. Сиз топган пул ҳам шундай беминнат бўлсин. Акс ҳолда, пулингиз, бойлигингиз қанча кўп бўлмасин, у сизни эркин қилолмайди. Ҳаргиз унутмангки, эркин пулгина эркинликдир, доно халқимиз буни ҳам айтиб қўйган — пулинг эркин бўлсагина эркин бўласан. Бильакс, у қанча кўп бўлса, шунча узун занжирга айланади, шунчалик узунлашадики, кўнглингизга чирмашади ва ундан чиқиб... тилингизга етади. Ҳа, ифода шафқатсиз, лекин энг шафқатсизи ифодаланаётган ҳолга тушишдир. Пул сизни эмас, қашшоқликни занжирласин. Бироқ, шу аснода «оч қорним — тинч қулоғим» деб бўлар-бўлмасга туриб олиш ҳам ноўрин. Айниқса, қарамоғингизга қарашлиларингиз бўлса, ибора сизга қимматга тушади. Тўқ қорин, тўқ кўнгил билан яшашни истаган, ҳаракат қилган, изланган маъқул, бу сизнинг қўлингиздан келади. Атрофга боқинг, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Мен бу билан ҳамма бозорчи бўлсин демоқчи эмасман, бу фикрни ўта торайтириб қўяди. Қолаверса, ҳамма ҳам савдогар эмасдир. Инсон зотининг имкониятлари чексиз, шу даражадаки, пулни қўлинга ушламай туриб ҳам ҳалол тарзда сен дунёдаги энг бой ва энг эркин одам бўлишинг мумкин. Хоҳ буюк бўл, хоҳ замоннинг оддий кишиси бўл, энг кичик режадан энг катта орзуларни амалга ошириш учун ҳам ана шу эркинликни топишинг, тошларни ёришинг, беминнат қуёш юзини кўришинг керак!

Дилором ҚЎЗИЖОН

Ёдимиз лавҳалари

ДАРВОҚЕ, БУГУН 14 АПРЕЛ...

Хотиралар... Бир-бирига уланиб кетган хотиралар. Гоҳ ширин, гоҳ аччиқ, гоҳ қувноқ, гоҳ оғриқли...

Хаёл кўзгусида хотиралар акс бера бошлайди: ҳаяжон, соғинч, орзиқиш...

Дарвоқе, бугун 14 апрел. Кибриё Қаҳҳорованинг туғилган кунлари. Давраларда адиба опамизнинг ўрни билинади. Соғинамиз. Сўзлари, муомалалари қулоғимизда жаранглаб туради. Оқила, хандон, қуйинчак суҳбатларини қўмсаймиз. У суҳбатларда бутун мумтоз адабиёт олами жонланар, тимсоллар жилоланар ва худди университетда ўтиргандек лол қолиб тинглар эдик.

Кибриё опа ўз даврининг фаол, илмга чанқоқ қизларидан бири бўлиб ўсди. Маърифатли отаси Лутфулло махдум, улкан ёзувчи Айнийдан таълим олган, улар фазлидан баҳравар бўлганди. Зиёли, таниқли кишилар билан бирга ишлади. Дўстона давраларда улардан ўрганди ва бу Кибриё опанинг келажагини белгилаб берди. Зиёли муҳит уни муҳиба қилиб тарбиялади. Шарқона билимлар эгаси бўлди, тилларни ўрганди, уларда маҳорат касб этди.

Тақдир Кибриё опани йирик ижодкор инсон Абдулла Қаҳҳор билан таништирди. Уларда кўп жиҳатлардан ўзаро ўхшашлик ва умумийлик бор эди. Бу ўхшашлик ва умумийлик Абдулла Қаҳҳор билан Кибриё опа ўртасида гўзал унсият уйғотди. Улар бир-бирларини жуда теран тушунишар, сўз билан англатиб бўлмайдиган нарсаларни қалбдан англашар, ҳавас қилса арзийдиган меҳр-оқибат билан турмуш кечиришарди. Улар бир-бирларига тўла маънода ҳамкор ва маҳрам эдилар.

Кибриё опа ижодкор, зукко олима — ўзбек, рус ва тожик тилларини пухта эгаллаган етук таржимон каби эл-юртга танилди. Ундаги чидам, бардош, ғайрат, адабиётга қизиқиш умрининг охиригача сўнмади. Ҳатто ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ҳам касалхонага боришда аллақанча китоблар, газеталарни, янгиликлардан хабардор бўлиб туриш учун радиони ҳам ола кетганди. Ёнидан дафтар-китобини қўймаганди.

Кибриё опа устози А. Қаҳҳор асарларининг ҳақиқий мухлиси эди. Ёзувчи бадиий меросини сақлашдаги жонкуярлиги, адиб уй-музейини ташкил этишдаги ҳаракатлари, музей фаолиятини изга тушириб олиши, зиёратчиларни қабул қилиб, адиб ҳақида жонли хотиралар билан ўртоқлашиши, ёзувчи А.Қаҳҳорга бўлган чексиз ҳурмати, муҳаббатининг ифодаси эди. Кибриё опа ёзувчи ҳақида гапирганида: «Менинг узоқ умр кўришимга — устознинг руҳлари мадад бўлади. Уларнинг руҳлари сизлар билан суҳбатлашишимга ундайди», — дер эдилар.

Кибриё опа ёлғизликни ёмон кўрарди. Ҳамиша дўстлар, мухлисларнинг даврасини қўмсарди. Шу сабабданми, адибанинг уйидан дўстларнинг қадами узилмас, қизғин суҳбатлар давомий бўларди. Кибриё опанинг гурунглари, ёддан тинмай байтлар айтишлари, уларни гоҳ тожикча, гоҳ ўзбекча, гоҳ русча таржималари билан изоҳлашлари ҳеч-ҳеч эсимиздан чиқмайди. Бу шеърий айтишувлар — дўстлар хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Бир куни Кибриё опага танишлари телефон қилиб, раққоса қизни олиб боришларини, Кибриё опадан ғазал ўқишни ўргатишни илтимос қилди. Кўп вақт ўтмасдан, телефон қилган киши раққоса Олима Ёқубова билан кириб келишди. Телевидение ходими кўрсатув тайёрлаётганини айтди. Кибриё опа Олимахонга ғазал ўқитиб кўриб, «яхши, ғазал ўқишга овозингиз тушар экан. Фақат бўғинларга, вазнга, оҳангдорликка эътибор беринг», деб улар билан анча вақт машқ қилдилар. Орадан кўп вақт ўтмай ТВ да ўша кўрсатув бўлди. Қизлар даврасида Олимахон шарқона либос кийиб Нодира ғазалини ўқиди. Кибриё опа бутун вужуди билан кўрсатувни томоша қилиб, мамнун бўлди.

Кибриё опа гўзал қалб эгаси дедим. Улар дўстларининг қувончидан хурсанд, қайғусидан астойдил хафа бўлардилар. Дўстлардан ҳеч қачон, ҳеч қандай ёрдамни аямасдилар.

Ҳар йили 14 апрел куни Кибриё опани туғилган куни билан қутлаб дўстлари, қадрдонлари сим қоқишар, қўлларида гуллар билан Кибриё опанинг уйига шошилишарди... Уй, ҳовли анвойи гулларга тўлиб кетарди. Кибриё опа дастурхон атрофини тўлдириб ўтирган дўстларини кўриб улар суҳбатидан бир олам қувонч туярди. Дўстлар жамолини кўриш адибага чексиз шодмонлик бағишларди. Мен шунинг учун Кибриё опани муҳиба деб атадим.

Бугун эса ўша қувончли онлар хаёл кўзгусида хотира бўлиб жонланяпти. Овозлар, оҳанглар, ўгитларини яна қайта эшитаётгандайман. Начора, туғилиш, ўлиш — инсоннинг қисмати. Лекин яхшилар ўлмайди, дунё яхшилар ёди билан боқий.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Суратда: Кибриё опа жияни Матлуба ва Шарофат билан

БИЗНЕС ВА БОЛА НИГОҲИ

- **СИЗ БИЗНЕСНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?**
- **БИЗНЕС ВА ОИЛАНГИЗ?**

УШБУ САВОЛЛАРИМИЗГА ГИМНАЗИЯ ЎҚУВЧИЛАРИ ЖАВОБ БЕРАДИЛАР. УЛАРНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ ИККИНЧИ САҲИФАСИДА ТАНИШАСИЗ

БИЗНЕС ВА БОЛА НИГОҲИ

Биз бизнес ҳақидаги ўта содда саволимиз билан Тошкентдаги Лутфий номидаги 254-гимназия ўқувчиларига мурожаат этдик. Гимназия раҳбари ҳурматли Йўлчибой Абдуллаев бизнинг фикримизга қўшилди ва иншо ўтказишга розилик берди. Одамлар бизнес тушунчасини худди демократия тушунчаси каби турлича англаш ва талқин қилишга мойил бўладилар. Бу ҳодисаларни ёқловчилар ҳам, қораловчилар ҳам, айниқса, бизнинг тоталитар зулмдан халос бўлиб келаётган жамиятимизда оз эмас. Бинобарин, куни кечагина биз бу тушунчаларни ўта салбий маънода тушунар, қўллар ва уларга нисбатан киноялы бир муносабатни ўзимизда зўрлаб тарбиялар эдик. Ҳолбуки, энди маълум бўлмоқдаки, бу нарсалар одамзод маданий ҳаётининг туб асослари экан. Биз-ку, майли замона зайли экан, бизнесни чала-ярим ё англадик ё англамадик, у билан умуман машғул бўлмадик ва бошимиз камбағалчиликдан чиқмади. Лекин бугун миллий тараққиёт ўзимизга қолган пайтда болаларимиз бизнес деганда нималарни тасаввур қилмоқдалар, нималарни тушунмоқдалар? Уларда тўғри тушунчаларнинг ҳосил бўлиши кейинги ҳаётлари учун мустаҳкам замин бўлиши мумкин. Машҳур инглиз бизнесменларидан бири Герберд Нютон Кессон»Пулдорлик санъати» рисоласида ўз бизнесменлар давраси тажрибаларидан келиб чиқиб пулдор бўлиш ва бизнесменлик лаёқатлари ҳамда маҳоратига эга бўлишликнинг ўн икки қоидаси ҳақида ажойиб мулоҳазалар юритади ва чуночи бизнес ҳақида шундай ёзади: «Бизнес товарнинг пулга ва пулнинг товарга айирбошланиши жараёнидир. Фойда келтиргани тақдирда бизнес ТОВАР - ПУЛ - ТОВАР - ПУЛ демакдир. Фойда келтирмаса, демакки, бизнес эмас». У яна бизнесда асосий нарса - даромад дейди. Чет тиллар луғатларида бизнесни фойда келтирадиган иқтисодий фаолият деб тушунтирилади, шахсий фойда ундирадиган ҳар қандай фаолият ҳам бизнес тушунчаси ичига киритилади. Ишбилармон, кордон, тижоратчи кишиларни бизнесмен дейилади. Қисқаси фойдали иш қиладиган ҳар қандай одам бизнесмен деб юритилишга ҳақли.

Ҳаётга эндигина қадам қўядиган ёшлар - ўсмирларнинг бу борадаги тушунчалари қандай?

Биз қуйида уларнинг иншоларидан айрим намуналарни келтирамиз. Фикр равшанлиги учун жиндаккина таҳрирга қўл урдик.

ЗИЁВУДДИНҲОЖИЕВА ДИЛАФРЎЗ
10"А» синф ўқувчиси

Тадбиркорларнинг иқтисодиётдаги барча тармоқлар ва умуман, ҳаётдаги фаолиятига бизнес деб тушунаман. Бозор иқтисодиёти бизнесга асосланган иқтисодиётдир. Бизнесменлар ўз манфаатларини кўзлайдилар, фойда олишга интиладилар ва бу йўлда ҳар турли омиллар, манбалардан фойдалана оладилар. Улар хатарли ишга қўл уришга тайёр, ташаббускор, ишнинг сиру асрорини биладиган, ўзаро иқтисодий алоқалар маданиятини эгаллаган бўладилар. Уларнинг алоқалари ҳамма иштирокчилар ва жамият учун наф келтиради.Айтайлик, сиз шлакоблок ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчисиз. Сизга бинони ижарага олиш, қуриш ёки харид қилиш, станоклар ва бошқа жиҳозлар: қум, цемент, шағал ва бошқа материалларни сотиб олиш, ишчиларни ёллаш учун, ҳамда корхонани реклама қилиш учун маблағ керак. Шу мақсадларда сарфланган пуллар сизнинг чиқимингиздир. Чиқим бу - ишга сарфланган маблағдир. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйганингиздан кейин сизга даромад, яъни маҳсулотни сотишдан тушган пуллар кела бошлайди. Қачондир улар чиқимингизни қоплайди ва кейин ортади. Шу пайтдан бошлаб корхонангиз сизга фойда келтира бошлайди.

Фойда олиш истаги корхона эгасини таваккалчиликка ундайди. Кўпроқ, фойда олиш мақсадида у кўпроқ чиқим қилади. Лекин ёнидаги бошқа фирма ҳам шу маҳсулотни ишлаб чиқара бошлаши мумкин. Агар бу фирманинг маҳсулоти уникидан арзон ва сифатли бўлса, у зарар кўриши табиий. Умуман, бизнесда тадбиркор баъзан ютқизади.

ҲУДОЙБЕРДИЕВА ДИЛНОЗА
10 «А» синф ўқувчиси

Мустақилликка эришилгач, халқимиз олдида кескин муаммолар кўндаланг бўлди. Бу муаммо бозор иқтисодига ўтишдир. Халқ мустақиллик унга нима берганлигини эмас, балки ўзи мустақиллик учун нима қилганлигини ўйлаши керак. Бозор иқтисодига тез ва мукаммал ўтиб олишимиз учун фуқаролар ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Бозор иқтисоди бизнесга асосланади. Бизнесменлар ўз манфаатларини кўзлайдилар, фойда олишга интиладилар. Айтайлик, сиз тикишни биласиз ва тикувчилик билан шуғулланасиз. Сизга тикув машинаси, материал, ип, тугмача ва бошқа нарсалар керак. Сиз уларни олиб маҳсулот тайёрлайсиз ва бозорга олиб чиқасиз. Тушган даромадга янги ускуналар сотиб оласиз ва тикувчиларни ишга жалб этасиз. Бу бизнеснинг бошланиши. Сиз кейинчалик ишни яхши йўлга қўйсангиз, корхона эгаси бўлишингиз мумкин. Лекин айрим оилалар пул топишни бошқача тушунишади. Болаларни бозорларга чиқаришади. Уларга фарзандлари «уч-тўрт сўм» топиб келса, бас. Ипподром, эски шаҳар, Олой бозорларида ёш-ёш болаларга «Ҳой, сен нега мактабга бормайсан?» - деб тергайдиган одам йўқ. Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган болакайлар бирозгина пул топса, хурсанд бўлиб кетишаверади. Ҳаётда ўқимаган ёки мустаҳкам ҳунар ўрганмаган боланинг келажаги йўқлигини ҳали билишмайди-да. Ахир, ҳамма болалар «бизнесмен» бўлаверишса, XXI асрда ким инженер, қурувчи, актёр, врач, ўқитувчи бўлади?

ЁҚУБОВА ДИЛНОЗА
10"А» синф ўқувчиси

Агар мен бизнес билан шуғуллансаму маҳсулотимнинг сифатига аҳамият бермасам, фақат кўпроқ чиқаришга эътиборни кўчайтирсам, ўз-ўзидан равшанки, бундай маҳсулот бозорда ўтмайди. Харажатлар таннархни қопламайди. Шунинг учун бизнес дунёсига киришдан олдин унинг илмини яхши ўзлаштириб олиш керак. Қоидасиз бизнес йўқ. Ҳозир кўп корхоналар синмоқда. Мана шу бизнеснинг қоидаларини билмаслик ёки уларни менсимай ишга киришиш натижасидир.

* * *

ҚОСИМОВА ДИЛФУЗА
10 «А» синф

Ҳозир ким фойда олиш, пул топиш, яхши яшаш ва яхши кийинишни истамайди. Ҳар бир одам бировга очиқ айтмаса ҳам, тадбиркор бўлсам дейди юрагида. Бизнес ёшларнинг иш, ўқишга муҳаббатларини сўндиради дейишади. Шу тўғрими? Кимлардир қингир-қийшиқ йўлларга кириб кетаётган бўлса, бунга асло бизнес ёки эркин ҳаёт айбдор эмас. Пул топиш ва ундан тўғри фойдаланиш учун одамда етарли база бўлиши зарур. Бизнес одамларнинг онгини ўстиради.

ҲОШИМОВ ОДИЛЖОН
9 «А» синф

Бизнес икки турли бўлади. Майда ва йирик бизнес. Мен америкалик таниқли олим Дейл Карнегининг фаолияти билан тинишганимда, бизнесмен бўлиш учун жуда кўп фазилатларга эга бўлиш кераклигини тушундим.

Бунинг учун:
- улкан фидокорлик
- меҳнатсеварлик
- чуқур фикрлаш ва дунёқарашнинг кенглиги
- доимо ўзгариб турадиган шароитда ишлаш учун мослашувчанлик.

Яна молиявий жиҳатдан таъминланганлик ва таваккалчилик билан ишлаш қобилиятига эга бўлиш керак. Тадбиркор инсон одамлар билан муомала қила билиши керак.

Раҳбарнинг энг қўрқадиган томони хато қилиб қўйишдир. Бизнесда таваккалчиликдан бош тортиш кўпинча муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Раҳбар оқилона таваккалчиликдан қолмаслиги керак. Мақсадлар, режаларни аниқ белгилаш, фойда ва зарар, мусбат ва манфий жиҳатларни таққослаш ва равшан тасаввур қилиш, вариантларни ҳисоблаш, танлаш - таваккалчиликнинг асосидир.

Бизнес чексиз уммонга ўхшайди. Унинг ичига кирган сари сирлари, хислатлари, хусусиятлари очилаверади. Бу инсониятнинг кўп тажрибаларида исботланган.

ҚЎЧҚОРОВ ШЕРЗОД
10 «А» синф

Ҳозир ҳаётимизни бирор тадбиркорликсиз тасаввур қилиш қийин. Энди ойлик маошга тикилиб ўтириш ақлдан эмас. Ҳақиқий бизнес билан шуғулланиш ақл талаб қилади. Оқибатини ўйламай иш олиб бориш банкротликка элтади. Ҳаром пул топиш бизнес эмас. Отам тадбиркорликка жуда катта ҳурмат билан қарайдилар. Иш ўрганадилар. Бўш вақтларимда мен ҳам отамга ёрдам бериб тураман. Отам нарсалар сифати яхши бўлсин ва шу билан бирга нархи ҳам одамларни чўчитмасин дейдилар. Тадбиркорлик учун чаққонликнинг ўзигина етмайди. Балки ақл, чама, режа, оқибатини ўйлаш жуда муҳимдир.

***

ҒИЁСОВА ГУЛЧЕҲРА
9 «Б» синф

Юртбошимиз эркин бозор иқтисоди бўлсин дедилар. Ташқи ва ички сиёсатимиз ҳам шу билан чамбарчас боғланди. Тараққиёт йўлига кирдик. Ошкоралик, ҳамкорлик, дунё билан иқтисодий алоқалар кучайиб, миллатимиз равнақ ола бошлади.

Лекин бизнесни мен тинимсиз меҳнат деб биламан.

НУРИДДИНОВ ДИЛМУРОД
9 «Б»синф

Бозор бу - ўткинчи нарса, лекин ўқиш абадий қолади.

ЗОКИРОВ АБЗАЛ
9 «А» синф

Бизнинг оиламизда бизнесга жуда яхши қарашади. Хонадонимизга эр кишилар турли шахсий фирмаларда ишлашади. Биз кичикларга ёшликдан касб-ҳунар ўргатишади. Ҳозир ўрганиб олсанглар, катта бўлганда қийналмайсизлар дейишади. Одамлар билан қандай сўзлашиш, катталар олдида ўзни қандай тутиш, дўстлар, ўртоқлар билан қандай муомала қилиш, умуман, ҳаётда ўзини қандай тутишни доимо ўргатиб боришади. Булар ҳаммаси одам катта бўлганда, асқотади.

НИЁЗОВА ДИЛДОРА
9 «Б»синф

Оиламизда бизнес ҳақида жуда кўп суҳбатлашамиз. Бизнесмен қилаётган ишини яхши тушунувчи одам. Оила ҳаётида менимча бизнеснинг аҳамияти жуда катта. Масалан, мен бизнесмен бўлишни орзу қиламан. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари кўпайган сари одамлар ҳам тўқ яшайдилар, бадавлат бўладилар. Одам дунёга келгандан кейин бирор маҳсулот ишлаб чиқариш керак-да!

МАЛИКОВ ҲАСАН
9 «Б» синф

Бизнес ҳақида оиламизда шундай дейишади: «Бизнес - ишбилармонлик. Ҳақиқий бизнес бу аввало ўз манфаат ва халқ манфаатини кўзлаб иш юритиш дегани бўлади». Олибсотарлик бу бизнес бўлса ҳам, жуда жўн бизнес дедилар отам.

Мен бизнес енгил иш эмас деб ўйлайман. Ҳамманинг ҳам кўлидан келавермаса керак. Бизнесмен бировнинг ҳақини емаслиги, адолатли бўлиш, иш унумдорлиги устида тинмай бош қотириши зарур.

ИСМОИЛОВ АБДУВОҲИД
9 «Б»синф

Ишбилармонлик аввало ўз ишига масъулиятни талаб қилади. У ўз кўл остида ишлаётганларга, уларнинг тақдирига жавобгар. Тадбиркор бу вақт - пул дейдиган одам. Тадбиркор ундан кейин психолог ҳам. Яхши ишласанг, пул ўзи оқиб келади. Одобахлоқ бўлмаса, кўп пулнинг ариқда оқаётган хазондан фарқи кам.

ИБРОҲИМОВА МАДИНА
9 «Б» синф

Ҳозирда қуруқ ойликка яшайман дейиш дунё талабига жавоб бермайди. Оилада ишбилармонликнинг аҳамияти беқиёс.

АБДУЛЛАЕВА МАҲБУБА
10"А» синф ўқувчиси

Илгарилари буни савдогарчилик деб юритишарди, энди маданиятлироқ қилиб - бизнесмен дейишади. Юртимиз эркин давлат бўлди. Эркин давлатда бизнес ривожланади. Бунга шароит ва имкон яратилган. Одамлар яхши яшашни исташади. Яхши яшаш эса тадбиркорликсиз, ишбилармонликсиз мумкин эмас. Атрофимизда бизнес билан шуғулланувчилар кўпаймоқда. Лекин илм-фанга қизиқиш сўниб қолмаяптимикин? Пул топиш учун илм масканларини ташлаб кетаётганларни ёқлаш мумкинми? Ёки уларни кескин қоралай оламизми? Ахир ҳар кимнинг ихтиёри ўзида-ку? Ҳозир бўлаётган кўп ишларни «пул бўлса чангалда шўрва» деган ҳикматли гапга чоғиштирса мумкин. Енгил-елпи бизнес болаларнинг ўқишга бўлган ҳаваслариии сўндириб қўймасмикин? Зиёлилар, ота-оналар бундан доим огоҳ бўлишлари керак. Ўқиш ва бизнесни тенг олиб бориш зарур, токи ёшлар ҳам зиёли, ҳам ишбилармон бўлиб етишсин. Шунда юртимиз юксалиб, ривожланиб бораверади.

АБДУРАҲМОНОВ ФАРҲОД
10"А» синф ўқувчиси

Бизнес - тангликдан чиқиш ва ривожланиш зарурати. Кенг маънода турли йўллар билан пул топиш, шахсий даромад қилиш бизнес бўлади. Унинг турлари жуда кўп. Бозор иқтисодига ўтиш бизнес фаолиятини кучайтириб боради, мол-мулки ва сармоясидан самарали фойдаланишини ва бунга астойдил киришишни тақозо этади.

МУРОТОВА ФАРОҒАТ
10"А» синф ўқувчиси

Ҳозир илгари ҳеч эшитмаган сўзлар ҳаётимизга кириб келяпти. «Бизнес», акция, мененжмент, брокер, аудит ва ҳоказо. Илгари бундай сўзларни эшитсак ҳам, аҳамият бермас эдик. Энди-чи? Энди улар кенг тарқалиб, кундалик сўзлашувимизни эгаллаб оляпти. Бизнес ҳар қанча бўлса бўлсин, лекин орномус, ҳалоллик билан бўлсин. Ғирромлик, қаллоблик қилиб даромад топишнинг бизнесга дахли йўқ.

Таҳририятдан: ***Иншо бу - ёзиш. Бирор тайин мавзу устида ўз фикр-мулоҳазалари ва айниқса, кузатишларини баён этиш. Ўқитувчилардан эшитган ёки дарсликлардан ўқиб олинган гапларни қуруқ такрорлаш эмас. Тўғри кузатишлар болаларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган хулосаларга бойлиги бизни қувонтиради. Булар уларда мустақил ўз фикрини юритиш, ўз фикрига эга бўлиш маданияти ва хусусияти шаклланиб келаётганлигини кўрсатади. Муаллиф болаларимизга биз билан ўртоқлашган фикрлари учун миннатдорчилик билдирамиз. Умид қиламиз: ҳамкорлигимиз давом этади.***

Сабо, еткур саломимни

ОҚИБАТСИЗЛИК ҚУРБОНИ

Муҳтарам таҳририят!

Мен газетада чоп этилган «Бахтнинг макони қай ер?» номли мақолани изтироб билан ўқиб чиқдим. Холидахонга чин дилдан қайғурдим. Ота-онаси хўп номақбул хатоликка йўл қўйибдилар. Қиз боланинг бахти эрида мужассамлашган. Қўша қарисин дейди кексаларимиз. Аввало Холидахонда ҳам озгина қатъият етишмабди. У киши онасининг гапига кирибди. Лекин онасига тушунтириш учун қариндошлари, маҳалласи, куёвнинг ўзи, қишлоқ оқсоқоллари бор эди-ку?! Нега улар бунга оқибатсизлик билан муносабатда бўлдилар? Бу иллат бизда қачон пайдо бўлди ўзи?

Мен Холидахонни оқибатсизлик қурбони деб ҳисоблайман ва «МТ» саҳифаларида бидъатлар, турли шунга ўхшаш камчиликлар ҳақида ҳаётий ёзилган таҳлилий мақолаларнинг кўпайишига тилак тилайман.

Ғани ОРТИҚОВ,
ҳайдовчи

АЙБ ЎЗИНГИЗДА

Ассалому алайкум ҳурматли «МТ» жамоаси! Мен газетанинг 1998 йил 7-сонида чоп этилган бухоролик Холида Турдиеванинг «Бахтнинг макони қай ер?» деб номланган мактубини ачиниш билан ўқиб чиқдим ва кўнглимда кечган баъзи бир мулоҳазаларни Холидахон синглимизга айтишга журъат этдим.

Ҳеч бир ота-она ўз боласига ёмонлик раво кўрмайди. Лекин мени кечирасиз Холидахон, агар гапларингиз рост бўлса, бу ҳолга тушишингизга ўзингиз айбдорсиз. Сизнинг гапингизга қараганда, онангизнинг йўриғидан чиқолмагансиз. Энди сизга битта савол: — Нахотки, ота-онангиз, қолаверса қавму қариндошларингиз уйингизга совчи борганида Самарқанд Бухородан анча узоқлигини, совчи жўнатган йигитнинг қишлоқда яшашини билмаган ёки суриштиришмаган бўлишса?! Бундай бўлишига, очиғи, ишонмайман. Ҳеч қайси ота-она ўз қизини ўзи билмаган, синамаган кишига турмушга беришга рози бўлмайди. Менинг назаримда бу ерда рисоладагидек тўй бўлмаган. Мантиқан олганда сизнинг ота-онангиз сиз тушган жойнинг узоқлиги ва қишлоқлигини тўйдан кейин (?) билиб қолибдилар. Хўп, нима бўлганда ҳам, тўй ўтибди. Янги хонадонда сал кам бир йил яхши яшабсиз. Нега энди онангиз сизнинг бахтингизни бузади? Қайси она ўз фарзандининг ўзидан тинчиб бахтли бўлишини хоҳламайди? Онангиз қишлоқлигини ва узоқлигини рўкач қилган экан, нега сиз ўз бахтингиз учун қаттиқ турмадингиз? Ахир олис қишлоқда яшайдиган онангиз эмас, сиз-ку? Қийинчилик бўлса, сиз қийналасиз, умас-ку! Нахот, одам ўз эрки, ўз ҳақ-ҳуқуқига шунчалар бепарво бўлса?

Сўзим охирида сизнинг ҳали ҳаёт, турмуш икир-чикирлари ҳақида етарли тасаввурга эга эмаслигингиз ва ҳаётга енгил қараганингиз фожианинг бош айбдори деб ҳисоблайман. Бу аччиқ сўзларимни кечиринг. Ҳар ҳолда хат ёзиб жуда тўғри қилгансиз дейман. Зеро, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар хатингизни ўқиб ўзларига тегишли хулосалар чиқарсалар, ажаб эмас. Мен эса сизга Аллоҳдан сабр-бардош тилайман. Ҳали ёшсиз, ҳаммаси кўрмагандек бўлиб кетади. Мени ҳам айтди дерсиз: Худо хоҳласа, ҳали кўрасиз, фарзандларингизга ўз аччиқ пушаймонлик ва хатоларингиздан келиб чиқиб жуда яхши тарбия берасиз.

Дилфуза ЯНГИБОЕВА,
Чирчиқ шаҳри

Иймон ҳаловати

МУҚАДДАС САЖДАГОҲЛАР БАҒРИДА

1998 (ҳижрий 1418) йил Ҳаж мавсуми яқинлашган сари 1997 (ҳижрий 1417) йилги Ҳаж мавсуми хотиралари, Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварадаги Икки Ҳарам таассуротлари яна кучая бошлади ва уларни оққа туширишга жазм қилдикки, шояд ўқувчига ибратли бўлса.

Каъбатуллоҳ атрофида одамлар улкан денгиз гирдоби янглиғ айланар эди. Масжиднинг эшик ва дарвозаларидан кириб келаётган ҳожилар такбир, таҳлил, тасбиҳ, дуолар айтиб, Каъбатуллоҳни тавоф қилиб айланаётган мўмину мусулмонлар денгизига аралашиб, қўшилиб кетмоқда эдилар. Биз ҳам Каъбатуллоҳни тавоф қила бошладик. Бу учрашув тавофи, висол тавофи — тавофи қудум эди.

Каъбанинг бир бурчагига ал-Ҳажарул асвад — Қора тош ўрнатилган. Ҳожилар Қора тошни ўпишга ёки қўл билан силашга ҳаракат қиладилар. Агар издиҳом туфайли яқинлашиш иложи бўлмаса, қўл билан ишора килиб қўлларини ўпадилар ва ҳамма ҳолатда ҳам Қора тош тўғрисига келганда «Бисмиллоҳ, Аллоҳу акбар!» деб такбир айтадилар.

Аллоҳ Каъбатуллоҳни тикламоқни Иброҳим Халилуллоҳга амр қилди.

Иброҳим алайҳис-салом ўғиллари Исмоил Забиҳуллоҳ билан бу ишни амалга ошириб, Каъба биносининг бир бурчагига Аллоҳнинг ерга нозил қилган жаннат тоши ал-Ҳажарул асвадни ўрнатди. Ривоятларга қараганда, ал-Хажарул асвад — Қора тош илгари оқиш зангори рангда бўлиб, ал-Ҳажарул абяд — Оқ тош деб аталган ва бу дунёда қора ишлар кўпайиб, тош қора тусга киргач, ал-Ҳажарул асвад, яъни Қора тош деб номлана бошланган эмиш.

Одамзод Ер юзида пайдо бўлгандан сўнг илк қурилган Аллоҳнинг уйи — Каъбатуллоҳ шу вақтгача турли фалокатлар туфайли бир неча бор шикаст кўрган, бузилган, лекин ҳар сафар қайта таъмирланган, тикланган. Унинг жанубий бурчагига ал-Ҳажарул асвад ўрнатилган. У кўринишдан тошга эмас, кристаллашган қорамтир суюқлик ичидаги кўркам биллур қоришмасига ўхшайди.

Ўзбек ҳожиларидан баъзилари ал-Ҳажарул асвад — Қора тошни ўпа олди, баъзилари қўллари билан силаб ўтишга муваффақ бўлди, баъзилари эса узоқдан ишора қилиб ва Аллоҳни улуғлаб, сўнг қўлларини ўпдилар.

Бизнинг ўзбек ҳожиларини дарров таниш осон. Бу уларнинг беозорлиги, камтарлиги, одоби, самимияти, чеҳраларидаги нурдан, ўқиётган дуоларидан маълум. Улар ўзбек тилида дуолар, муножотлар қилишар, дуолари, Аллоҳга илтижолари «юртим тинч бўлсин, болаларим бахтли бўлсин, ўтганларни раҳмат қилгин» деган маънода эди.

Каъбатуллоҳнинг ичига кирадиган эшик бор. Эшик устидан дарпарда осиғлиқ.

Маккаи Мукаррамада Каъбатуллоҳ учун кисва, боғ, дарпарда тўқувчи махсус фабрика бор. У ерда замонавий ускуналарда тўқувчилар, ранг берувчилар, хаттотлар, рассомлар, заргарлар, каштачилар меҳнат қиладилар.

Иброҳим мақомининг орқа томонида. Кираверишдаги катта мармар лавҳада «Замзам» ёзуви кўриниб турипти. Жўмраклардан муборак Замзам суви оқади. Ҳожар онамиз ўғиллари Исмоил алайҳис-салом билан сувга муҳтож бўлиб, зир югурган пайтларда Аллоҳнинг марҳамати билан, ерда ётган чақалоқ — Исмоил алайҳис-салом оёқлари остидан сув отилиб чиққан жой худди ана шу жойдир. Замзам булоғи шу ерда. Асосий булоқ — ал-Ум-Замзам — Она Замзам деб аталади.

Замзам суви таъми чучук, юмшоқ, енгил, ёқимли сувдир. Уни ичганда ўқиладиган дуо бор, маъноси: «Эй Аллоҳ, мен сендан кенг ризқ, фойдали илм ва ҳар қандай дардга шифо тилайман».

Ҳожилар тарвия кунигача Каъбатуллоҳни неча бор тавоф қилдилар, ал-Масжидул Ҳарамда қанча намоз, жумладан, жума намозларини ўқидилар.

Ал-Масжидул Ҳарам доимо Сауд подшоҳлиги эътибор марказида экан. У замонавий техник жиҳозлар, қурилиш, меъморчилик ва наққошлик санъатининг илғор ютуқлари билан бойитиб келинган. Масжиднинг ер ости қавати, икки ер усти қавати, томи, ҳовлиси ва атрофидаги майдонни ҳисобга олганда бир миллион киши намоз ўқиши мумкин.

15 апрел Ҳаж ибодатлари бошлангунга қадар ўзбек ҳожилари мийқотда қайта эҳромга кириб, ал-Масжидул Ҳарамда Умра ибодати амаллари, намоз ва Аллоҳга дуою илтижолар билан банд бўлдилар, Мино, Арафот ва Муздалифа каби Ҳаж ибодатининг ажралмас амаллари бажариладиган муқаддас ерларни олдиндан зиёрат қилиб келдилар.

Ҳижрий ҳисобда 1417 йил зулҳижжа ойининг саккизида — тарвия (милодий ҳисобида 1997 йил 15 апрел) куни Ҳаж ниятини қилиб, қайтадан эҳромга кирилди.

Акс садо

БАХТ — БУ САРОБМИКАН-А?

Ҳурматли «МТ» таҳририяти! Мен газетангизни севиб ўқийман, сабаби ундан нимадир оламан. Кейинги пайтда оила ҳақида ҳам мақолалар бера бошлаганлигингизни кўриб, тўғриси, жуда қувондим. Яқинда берилган «Бахтнинг макони қай ер?» мақоласини ўқиб таъсирландим. Деярли тенгдошим Холидахонга ҳам ачиндим, ҳам унга нисбатан ғазабим қўзиди.

Эҳ, Холидахон кўпчилик етишолмайдиган бахт қушини ўз қўлингиз билан бировга топширибсиз-ку? Яна нимани истайсиз? Ота-она кечиримли бўлади, дейишади. Сиз «уйимни, турмуш ўртоғимни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман» деб туриб олганингизда ота-онангиз жаҳл устида кетиб қолишса ҳам, кейинчалик кечиришармиди. Сиз ўта иродасиз экансиз. Бахтнинг маконини топибсизу жойлашолмабсиз-да.

Мен ҳам ёш бўлишимга қарамай аччиқ қисматларни бошимдан ўтказяпман. Мен ҳам шаҳарда туғилиб ўсиб ота-онам ризолиги билан узоқ Хоразмга келин бўлиб тушдим. Қайнона-қайнотам, қайнсингилларим баҳоси йўқ инсонлар эди, жуда аҳил эдик. Фақат турмуш ўртоғим тез-тез ичиб келиб урар, сўкар эди. Қизчалик ҳам бўлдик. Фарзандли бўлса инсофга келиб қолар деб кутдим. Лекин у киши энди наша чекишга ўтган эдилар. Шу қадар калтаклар эдики, ўлиб-ўлмасдим, ўзимдан ўтганини ўзим билардим. Уйдагиларни гапини писанд қилмасди. Ниҳоят ота-онам мени ногирон бўлиб қолишимдан қўрқиб ажратиб олиб келишди.

Орадан кўп ўтмай амаким бир оғайниларининг жияни борлигини, у олийгоҳда домла эканлиги, ўзини тутиб олган бамаъни одам эканлиги, хотини анча йил олдин қазо қилиб, икки ўғли қолганлигини ойимга айтибдилар. Ўйлаб ўйимни охирига етмасдим. Наҳотки 24 ёшимда иккинчи марта турмуш қурсам... Яна ўзимдан 15 ёш катта кишига. Кўп қийинчилик кўрган экан, балки қадримга етар дея рози бўлдим. Турмуш қурдик. Биздан бахтли инсон йўқ эди гўё. Бир-биримизни жуда ҳурматлар эдик. Айниқса уларнинг ўғиллари, менинг қизчам худди аввалдан бирга яшаётгандек келишиб кетдик. Ўғилларини она меҳрига зор деб қизимдан ҳам кўп суярдим, ширин гапирардим. Орадан олти ойлар ўтгач чамаси, ойламиз дарз кета бошлади. У киши мени рашк қилиб тез-тез дилимни хуфтон қиладиган одат чиқарди. Мен поклигимни, икки дунёда ҳам у кишига хиёнат қилмаслигимни айтдим. Мен ҳомиладор эдим, балки фарзандли бўлсак яхши бўлар дея кутдим. Мени уйдан ҳайдаб чиқариб юбордилар. Фақат умидим туғилажак фарзандимдан эди. Ўғил ҳам кўрдим. Куни бўйи туғруқхона деразаси олдида кўчага тикилиб кун ўтказдим, лоақал бир марта келмади. Орадан уч ойлар ўтгач у киши ишлайдиган жойда сиртдан ўқир эдим, ўқишим бошланди. Кўришдик, сўрашдик, гўё ҳеч нарса бўлмагандек кулиб турибди. Ғазабим қўзиди, ўғлингизни кўргингиз келмаяптими? — дедим. Кўрарман, деди эътиборсиз. Бизларни олиб кетинг, мени зор қақшатманг, иккинчи турмушим бузилса мен нима деган одам бўламан» дея зор-зор йиғладим. Бўйнимга айбимни қўйинг, нега бунча қийнайсиз, дейман қақшаб. Қани энди гапларим таъсир қилса. «Нигора, сизларсиз менга жуда қийин бўлаяпти?» — дейди. Уйга борсак ёш бола билан «бари бир бир кун менга хиёнат қиласиз» дейди уялмай.

Мана бу ҳаётга нима дейсиз, Холидахон? Мен ҳеч қачон хиёнат йўлига кирмаганман, кирмайман ҳам. Агар бу кишидан ажрашсам, энди ҳеч қачон турмушга чиқмайман. Ким айтади, азизлар, бахтнинг макони қай ер?

Нигора Юсупова,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекларда давлат сўзи бойлик маъносида оила тушунчаси билан боғланади.

Давлат шаклан ва мазмунан ҳужайралардан — оилалардан ташкил топади. Оила илмий, маърифий, одоб-ахлоқий, иқтисодий, сиёсий, диний, даврий шакл ва мазмунга эга.

Биз оилани қандай англаймиз, унга қандай талаб қўямиз, унинг олдида қай даражада масъулият сезамиз, кафолат ва ваколатини қандай тушунамиз? — каби ўнлаб саволларга жавоб беришга, шулар ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз? Акбар Юнусовнинг мулоҳазалари шу ҳақда.

МУҲАББАТ ҚАСРИГА КИРСАНГ...

ЯХШИ НИЯТ ҚИЛАЙЛИК

Юнон афсоналарида талқин этилишича, худо аввалига эр ва хотинни бир қилиб яратибди. Одамзод шундай доно, қудратли ва комил бўлиб кетибдики, Худонинг ҳасади келиб, уларнинг орасига қилич солибди ва иккига ажратиб, адаштириб ташлабди...

Шу-шу икки олам, яъни эр ва хотин омади чопиб ўзининг ярмиси ила учрашиб оила қурса, бундай оила албатта бахтли, ибратли, ҳикматли, ҳавасли, меҳр-муҳаббатли ва оқибатли бўлар экан. Мабодо, ўз ярмини топишолмаса-чи... Келинг, мулоҳазаларимиз аввалиданоқ кўнгилни хира қиладиган сўз айтмайлик. Яхши ният қилайлик...

Ривоят — афсона, ҳозирги бозор иқтисоди даврида сармоя ва дастмоя ҳам эмас, аммо ҳақиқат бор. Ошиқ ва маъшуқ бўлса, муҳаббатнинг жаннат эшиги очилади... Яъни сўз хазинаси очилади.

МАСЛАҲАТДАН ПОЁНДОЗ ЁЗИБ...

Одат бўйича одоб ҳақида битсак, ҳамма ёққа насиҳат ва маслаҳатли, доно фикрлардан маржон ясаймиз ва бўйинга иламиз. Кимга ярашади, кимга ярашмайди?! Баъзиларга ботмайди, ёқмайди, энсани қотиради. Қолаверса, ёш-қари оила ҳақида билади. Хоҳлаган вақтда тайёр маслаҳатдан поёндоз ёзиб йўлини кўрсатади.

Одатдан қочиб одобсизлик ўрнига ўтдик, яъни насиҳат ва маслаҳатни бир четга қўйиб, оила ҳақида дилдан суҳбат қурайлик. Сўзни оиланинг пойдеворидан бошласак.

ИККИ ОЛАМНИНГ ОФТОБИ...

«Пул» дейди ҳовлиқиб бир ўқувчи ва мен, сен ҳам, келинг ҳовлиқмайлик. Икки оламнинг офтоби...

Муҳаббат! Сабаб, муҳаббат сўзи тилдан дилга чиқса не ҳол рўй беради.

Чоллар оппоқ соқолларини бекитгандек тутамлаб олади. Кампирнинг пешонасидаги ажинлар ёйилиб кетади. Чеҳралар ёришиб, кўзлар офтоб парчаси каби чўғ ёнади. Ўрта яшарларнинг эса оғзининг таноби қочиб, юзида қуёш балқийди, ёшлар эса танадаги ҳарорати қўтарилиб, довдираб қолишади.

Биродар, бу офтоб-ку, Муҳаббат офтоби тушган қалб қаҳратонда ҳам саратон ва ёруғ, муҳаббат қуёши ботган қалбда саратонда ҳам совуқ, пешинда ҳам зимистон...

Қўйинг-эй, шоирларнинг тирикчилигини яримта қилмайликда, келинг, муҳаббат — оиланинг пойдевори экани ҳақида ҳаётий сўзлайлик. Баъзилардан кечирим сўрайман. Муҳаббат ва оила ҳақида фикр юритишнинг одоб чегараси ва тўсиқлари борким, ундан нарёққа ўтганларга худди чегарани бузган айғоқчи — давлат жиноятчисидек қаралади. Йўқ, фикримча, чегара йўқ, келинг, бизга ёқса ёки ёқмаса ҳам оламга назар ташлайлик. Ҳиндларнинг «Кама Сутра»сида ёзилишича, олам муҳаббатдан яралган. Денгизлар — аёл, тоғлар эса эркак...

Бу назарияни кўз ойнак қилиб дил ила оламга назар ташласак борми, шоир айтгандек, «Томчи сувда оламни кўрасан». Юқорига қарасам (кечаси ёзаяпманда) электр чироқни кўрдим. Манфий зарядлар мусбатлар ила учрашиб ёруғлик — нур пайдо бўлганига шоҳидман. Ишонмасангиз, ўзингиз қаранг, яъни физика китобига бир назар ташланг, ҳиндларда ҳақиқат бордек, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг. Ақлни зўрлаб, инсонни доно қилолмайсан, ўзинг фикрла.

Мунажжимлар муҳаббатни фазодан қидиришади ва «юлдузи-юлдузига тўғри келганлар», яъни «тақдири қўшилганлар» бахтли бўлишини башорат қилишади.

Муҳаббат ҳақида битилган тасаввур, баённома, афсоналар, қиссалар... Эҳ-эй, улар жуда беҳад... Аммо муҳаббатнинг ўзи нима? Маъно, маъниси — шакл ва мазмуни қандай?

Жасорат ила тан олсак, муҳаббатнинг маъно поёнига етишга бел боғлаганларнинг ўзи бир қарич соқоли қирқ қарич бўлиб, бели синиб раҳматлик бўлиб кетдилар. Каминани ҳам донолик гувоҳномаси йўқ. Олийгоҳни битирмаганман. Фикрларимнинг юз фоиз тўғрилигига ваколат ва кафолат бера олмайман. Баҳоли қудрат билганларимни баён этаман.

МУҲАББАТ ГЎЗАЛЛИКДА

Фаранг адиби Арабистон саҳросида. Ям-яшил ўрмон, ўтлоқлар, серсув дарёлар бўйида обод шаҳарларда яшаган инсон саҳрода ўзини қандай сезади? Кўз илғамас қумликлар, жазирама иссиқдан лоҳас бўлади, қочишга соя йўқ, сув тақчил... Саҳро эса бўмбўш. Уфқларгача қум, янтоқ, гоҳида туяни кўрасан. Араблар бу сарҳаднинг нимасини севишига ақлингиз етмайди.

Қанча ўйлади, билмадим. Аммо шундай ибора бор: «Саҳронинг гўзаллиги ўзида эмас, арабнинг қалбида».

Араблар саҳронинг гўзаллигини кўра олганлар. Овруполик учун у манзара мавҳумлигича қолди... Нега бу мисолни келтирдим. Олам — бу гўзаллик қобусномаси. Унинг ичида аёллар ҳам бор. Оддий тажриба ўтказилган. Аёллар ва қизларни йиғиб...

«Гўзаллар чапга, ҳунуклар ўнгга ўтсин» деганларида чапга ўтмаган аёл ёки қиз қолмаган. Чунки уларнинг ҳаммаси гўзал... Бу латифами? Йўқ, ҳақиқат. Қай бир аёл ёки қизда кимдир гўзалликни кўради, бошқа одам эса йўқ...

Келинг, тарихий гувоҳлар ила манбааларга мурожаат қилайлик:

«Лайли ва Мажнун» асарлари шу қадар кўп битилганки, тадқиқотчилар қанчалигини аниқ билишмайди.

Қадимда ҳар бир шоир ёки ғазал битувчи албатта бир мавзуда ижод қилган, яъни Лайлининг гўзаллигини шеърга битган. Уларнинг қаламидан чиққан гўзал ибораларни ўқигани кўз, кўчиргани қўл чарчайди. Аммо ҳақиқатга юз бурайлик.

ЛАЙЛИ ГЎЗАЛЛИК ТАНЛОВИДА ҒОЛИБ ЧИҚАРМИДИ?

Мажнунни севиб қолган Лайлини кўрган гувоҳларнинг шахсий фикрича, Лайли гўзал эмас, қадимда ҳам инсонларда шахсий фикр бўлган ва ҳар бир муаммо кўпчилик овоз ила ҳал қилинган.

Хулоса: мабодо, Лайли «гўзаллар танловида» иштирок этса борми, қишлоғида ҳам ютиб чиқмасди. Ахир, бу масала кўпчилик овоз ила ҳал қилинади-да. Нега Лайлининг номи осмону заминни тутиб кетди. Бунга Мажнун айбдор. Мажнуннинг ўзи ким? Ўз номи ила девона. Командировка олмай сахрода тентирайди. Тиббий мезон билан айтганда, хаста, сиёсий мезонда ўлчасак, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс. Чунки у руҳий хаста.

Хўш, нега донолар китоб битганлар, кўчирганда ўқиб, ҳайҳайлашган. Шундай муҳаббатни орзу қилганлар. Секин айтиб қўяй, камина ҳам муҳаббатнинг қулиман. Муҳаббатда шундай оромбахш малҳам жавҳари борки, у не-не касалликларга даъво.

Мажнунга келайлик. Одамлар Мажнун олдига Лайлини олиб келишса, уни танимаган ва тан олмаган. Бевафоми? Йўқ, муҳаббат ҳақиқий ҳисобланган. Қадимда Аллоҳга муҳаббатни қуйлаш ва унга интилиш кучли бўлган. Ким билади, муҳаббат ила уйланишиб кейин жанжалкаш хотиндан кўнгли қолгач, қалбидаги муҳаббат ҳиссини ўчира олмай назмлар битишгандир. Бундай асарларнинг дунёга келишига яна бошқа сабаблар ҳам бордир? Аммо, олимларимиз тақводорлар фақат Аллоҳга муҳаббат қўйишлари мумкин, бошқаси ўткинчи, ҳавойи, вақтинча деб қарашган, балки бу саволга Платон жавоб берар, чунки унинг назарида «илоҳий муҳаббат энг олий ҳислат» бўлиб кўринган.

Шахсий фикримча, Аллоҳга муҳаббат бу у яратганларга бўлган муҳаббатда кўринса керак. Чунки биз табиатан гўзаллик шайдосимиз. Доимо башанг бўлиб, чиройли либосларни кийиб яшагимиз келади. Ҳамманинг ҳаваси-ҳасадини келтиришни хуш кўрамиз. Аллоҳ томонидан берилган муҳаббат ҳисси ила Ватанга, халқимиз, яқинларимизга энг суюкли бўлишни истаймиз.

Олимларнинг айтишича, бу ҳис инсонгагина берилган ва уни қанчалик тарбия қилсак, шунчалик улуғ бўламиз...

Муҳаббат оламнинг ўзидир. Айниқса, азоблик муҳаббатнинг малҳами бўлса, икки баробар ширин бўлиб кетади. Муҳаббатнинг қандай ҳислигини сезамиз, аммо унинг қанча, қаерда туғилишини билмаймиз.

Муҳаббат ҳисси нафақат инсонга, балки бутун оламга хосдир, келинг, инсоннинг энг олий маҳлуқлигини тан олайлик-да бир қур ҳаёт даврасига назар ташлайлик.

МУҲАББАТ АЖАЛГА ҲАМРОҲ ЭМАС

... Аммаларимдан Раҳима отлиғ жувон соғлом, дилкаш, ғайратли эди. Паранжи ташлаш даврларида ёш қиз бўлиб ичкарига қамалмаган, ҳур қиз. Ўқийди ва ўз замонасини одобини бузиб дейсиз.

— Эрга тег, худонинг қаҳрига қолмайлик.

— Эрим бор-ку, кечалари ҳамиша ёнимда, гаплашиб ётаман.

— Э, нималар деяпсан. Хаёлдаги эрингни айтяпсанми?

— Аммо бирор эркак билан сўзлашсам, худди эрим келиб қараб тургандек бўлади. Бошқа гапирманг.

— Раҳима, кичигингни узатиб, яхшиси, ичкуёв қил...

— Йўқ, келадилар, ўзимиз яшаймиз....

Гаплар доим шундай тугайди, шундай якун топади.

Раҳима аммам айвонда ётади. Эрининг саруполарини янгилайди: Қачонлардир мода бўлган хром этик, қалин драп палтолар... Бу кийимлар не эркакларга ярашмайди. Лекин аммам фақат ўз эрини кутади. Бу либосларни ўз эри кийиб юришини орзу қилади.

— Йўқ, эрим келади, албатта, келади... Сурати келса ҳам, яримта бўлиб келса ҳам, майли, ўзим соғайтириб, ювиб-тараб бежаб қўяман.

— Вафонинг чегараси тошларози бўлади. Шариат бўйича сафарга кетганларга уч ой, урушга кетганларни йил кутарди, холос, деб аммамга эътироз билдиришади. Аммо аммамнинг энсаси қотади фақат.

Йўқ, ҳаёт муҳаббати ила тотли, насибаси ила берилган бўлади.

Йиллар ўтди. Амма оғир касалга чалинди.

Доктор хулоса чиқарди.

— Соғлом аёл эрсиз яшагани учун танида ортиқча модда йиғилган. Операция қиламиз.

Операция оғир чиқди. Аммам майиб бўлиб қолди. Хаёлотга чалинди. Вафот қилди...

Онамни марҳуманинг таъзиясига олиб бордим. Йўлда ойимга айтдик.

— Раҳима аммамдек вафодор аёл бўлганмикин? Ҳайкал қўйса арзийди. Эрини 35 йил кутди-ку.

— Э, гапирма, ҳайкалингни жиннихонага қўй, бошқа ерга қўйсанг, соғлом одамлар кўриб ундан ибрат олиб юрмасинлар — деди изтиробдан тушмаган ойим.

Ойимга индамадим. Жангу жадал кўриб келган отам кўркади-ю, баҳслашиб ҳам ўтирмайди. Мен нима дейман...

Йиллар ўтди. Раҳима аммамнинг тақдирини неваралар билишмайди.

Икки севишганнинг ҳаёти — унсиз «маданий қатламга» айланди. Бу ҳаётда ибрат ва ҳикмат бўлмаганда камина ҳам қаламга олмасди... Баҳоли ҳикоя каминага ҳам ёқмайди, уни гўзал, бахтли ёки кимгадир ёқадиган қилиб битишга қудрати етади, аммо ҳақиқат ҳаммадан азиз экан, ростини битмай иложим йўқ. Авлодларга мерос қилиб ҳаётнинг чўғини ташлаб кетайлик-да.

Ҳаёт сўзи — муҳаббат. Муҳаббат эса ҳаёт. Ҳаётнинг эса ўз қонуни бор. Донолар баҳс этадилар:

Нега муҳаббатга ўлим йўқ?

Олам жуфт яралган ва уларни бирлаштирувчи ҳам муҳаббат. Табиат ва унинг яратувчиси муҳаббатгагина ажални раво кўрмади. Сабаби: муҳаббат ҳаётнинг давомчиси. Инсон қарийди, ҳоҳламасанг ҳам, ўласан, лекин фарзанд қолади, демак, инсон ўлгани йўқ. Ажал чанг солади, ўз улушини олади, аммо ҳаётни маҳв этолмайди.

Муҳаббат ҳисси табиатдан берилган ва инсон даври келиб муҳаббат оғушига тушади. Кимгадир ёқмайди, инкор қилади, вақтли дейди, аммо муҳаббат ва ҳаёт амрини бажармай иложинг йўқ.

Акбар ЮНУСОВ

БОЛАЛИКДА ДОҲИЁНАЛИК

Ёзинг, ўқиймиз!

Кўзга яққол ташланган бир нарса — ўзбекистонликларнинг Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат, садоқат ҳиссиёти, Ҳаж фарзларидан бири Арафот тоғида бир муддат турмоқликда рўй-рост намоён бўлди: Одам Ато алайҳис-салом ва Момо Ҳаво онамиз Ер юзида пайдо бўлганларидан сўнг, неча юз йиллардан кейин, ана шу Арафотдаги бир тепаликда учрашдилар, топишдилар ва кўзларида ёш билан Аллоҳга ёлвориб: — Ё Парвардигоро, бизнинг зурриётимиздан, авлодимиздан кимики, то қиёматгача шу ерга келиб, дуолар қилиб, Сендан бирон нарса илтижо қилса, сўраса, илтижолари қабул, сўровлари ижобат бўлишига ваъда бер, дедилар. Аллоҳ ваъда берди ва шу боис Арафотдаги бу тепалик «Жабалур-Раҳма» — Раҳмат тоғи деб аталади ва шу сабабли бу ерда одамлар бор ҳасратларини, дардларини Аллоҳга очиқ айтиб, ҳожатларини сўрайдилар. Ўзбек ҳожилари Жабалур-Раҳма ҳудудида ўпкалари тўлиб, кўзларида ёш билан, Ўзбекистон ҳаққига, ўзбек халқи ҳаққига, Ўзбекистон давлати раҳбарлари ҳаққига қайта-қайта дуолар қилдилар. Бу — бировлар эшитсин деб айтилган гаплар эмас, балки бандасининг ёлғиз Аллоҳ олдида ихлос билан, иймон билан қилган арзи ҳоли эди.

Қурбон ҳайитининг тўртинчи куни (ҳайитнинг биринчи куни мелодий ҳисобда 1997 йилнинг 17 апрелига тўғри келди) ўзбек ҳожилари Минодан Маккага қайтиб, Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиш тараддудини кўра бошладилар. Ҳаж ибодатлари адо этиб бўлинган эди. Ҳажжан мабруран ва саъйан машкуро!

Маккаи Мукаррамадан Расуллулоҳ шаҳарлари Мадинаи Мунавварага олиб борувчи бир неча йўл бор. Уларнинг энг машҳури Ҳижрат йўлидур. Ҳижрат йўли пайғамбаримизнинг Маккадан Ясриб (Мадина)га ҳижрат қилганларидаги ҳаракат чизиғига тахминан тўғри келтирилганлиги сабабли Ҳижрат йўли деб аталади. Шу йўлдан кечаси автобусларда ҳижратни бошладик.

Саудия Арабистонида мусулмонлар учун энг азиз бўлган икки покиза масжид бор. Уларнинг иккиси ҳам Ҳарам — Муқаддас деб аталади. Бири, юқорида эслаганимиздек, Маккадаги Каъбатуллоҳ жойлашган ал-Масжидул Ҳарам, иккинчиси Пайғамбаримизнинг қабрлари ва Равзаи муборакларини ўз ичига олган Мадинадаги ал-Масжидул Ҳарамун Набавий. Иккиси ҳам қисқартирилиб, Ҳарам ҳам дейилади. Икки Ҳарам ҳолати, ободонлиги, замонавий фан ва техника тараққиёти билан ҳамоҳанг қадам ташлаш масъулиятини Саудия Арабистони подшоҳи шахсан зиммасига олганлигини фахр деб билганлиги учун ўзига Икки Ҳарам ходими, подшоҳ Фаҳд бин Абдулазиз ал-Сауд деб расмий ном олган.

Мадинаи Мунавварага пешиндан олдин етиб келдик. Меҳмонхонадан ал-Масжидул Ҳарамун Набавийнинг тиниқ, оппоқ миноралари кўриниб турар эди. Ҳожилар пешин намозини Ҳарамда ўқишга, Расулуллоҳ қабрларини зиёрат қилмоқ, салом бермоққа шошилдилар.

Масжид ичи кенг, охири кўринмайди, одамлар юриши учун мўлжалланган узун-узун йўлчалар воситасида бир қанча майдонларга бўлинган, майдонларга қип-қизил ипак гиламлар тўшалиб, тепаси баҳайбат гумбаз томлар билан ёпилган, бу томлар ташқари иссиқ бўлса, ўзўзидан ёпилади, салқинда очилади, йўлчалар икки тарафида маълум масофаларда, мутаносиб тартибда жойлашган баланд мармар устунлар ёнида кўзларни қувонтирадиган ранглардаги катта-катта термос идишларда Замзам суви муҳайё, хоҳлаган намозхон ичиши мумкин.

Ҳарамга киргач, Равзаи муборакка ошиқдик. Равзаи муборак масжиднинг ичида бўлиб, Пайғамбаримизнинг қабрлари билан минбарлари орасидаги йўлдир. Расулуллоҳ ҳаёт вақтларида қабрлари ўрнида уйлари бўлган экан. «Менинг уйим билан минбаримнинг ораси, жаннатнинг боғчаси», — деган эканлар сарвари олам. Равзаи саодат яқинида иккита ракат намоз ўқилди. Сўнгра ҳурмат ва меҳр туйғулари дилларда тўлиб-тошган ҳолда Пайғамбаримиз алайҳис-салоту вассалом қабрларига яқинроқ бормоққа аста уриниш бошланди. Қабр олди олтин суви юритилган ва ниҳоятда нафис, чиройли панжара билан тўсилган. Умуман, бу ҳудуд масжиднинг умумий сатҳидан баландроқ. Гўзаллик, нафосат, ҳашамат ва салобат сифатлари билан таърифлаш мумкин бўлган манзара. Панжарага хиёл етмасдан тартибни назорат қилиб турувчи девқомат посбонлар олдида, Расулуллоҳ бош тарафлари яқинида тўхтадик. Панжара ортини аниқ кўриб бўлмас эди. Издиҳом кучли. Одам анор донасидек ғуж. Хаёлан Пайғамбаримиз шамойиллари ҳақида ўқиганларимизни эслаб, Қуръони Каримда баён этилган юксак ахлоқларига оид ояти шарифни ёд этиб, Расулуллоҳни кўз олдимизга келтирдик.

Сўнг кўзларимизда ёш билан қиблага қараб дуо қилдик: «Ё Аллоҳ, ўзинг гуноҳларимизни кечиргин, ўтканларимизни раҳмат, қолганларимизни саломат, иймонимизни бут қилгин. Юртимиз обод, халқимиз фаровон, юртбошимиз хайрли ишларида бардавом бўлсинлар, ё Раббил-оламин». Шундан сўнг зиёратгоҳдан аста, ҳусни ҳурмат билан чиқиб, Замзам сувидан мириқиб ичдик, ҳаяжонимиз бироз босилгандек бўлди.

... Шарқнинг барча катта аэропортларида бўлгани каби ғала-ғовур, шовқин-сурон билан самолётга чиқиб олдик. Самолёт осмонга кўтарилди.

Аллоҳнинг марҳамати ва давлатимизнинг лутфукарами билан Муборак Ҳаж ибодатларини адо этиб, Маккаи Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб, Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи вас-салом қабрларига зиёратида бўлиб, Ватанга омон-эсон қайтмоқлик насиб бўлмоқда.

Самолёт Тошкент аэропортига кўнди. Эшиклар очилди. Ҳожилар Аллоҳга ҳамду-санолар айтиб, бу улуғ ибодатни адо этишда восита бўлганлар ҳаққига дуолар қилиб, кўзларида ёш билан Ватан тупроғига қадам қўйдилар. Тоғу тош, қип-қизил қум орасидаги, жазирама офтоб остидаги муқаддас, Аллоҳ азиз қилган ерларга етганимизда одамлар насиб этганига шукур қилиб, Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб йиғлаган бўлсалар, Тошкентга қайтиб келганимизда ҳожилар яна кўзларда ёш билан самолётдан тушдилар. Бу — жаннатдиёр, ҳавоси ҳам дилга мадор, кўмкўк бўстон, азиз Ватан — Ўзбекистонга, ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар бағрига қайтишлик шукронаси, меҳр-муҳаббат изҳори эди.

Зокиржон ОРИПОВ

Ижод — қалб титроғи, иztироби, қувончидир. Шу иztироб, шу қувонч ижодкорни улғайтиради. Ижодкор жайдари ва хокисор ҳамда топинишга арзийдиган она халқига қанчалик яқинлашиб борса, унинг қаламидан шунча яхши асар чиқишига имкон туғилади.

Халқ чархи гардуннинг барча эврилишларида иштирок этади. Унинг тажрибалари чексиз. Халқ бағридан чиққан инсон улуғ яратувчининг тилсимли мўъжизаси. Адиба Шарофат Ашурованинг китобларини ўқиганда, кишида шундай кўтаринки сўзлар туғилади.

Ижодкор 1984 йилда «Ёшлик» журналида «Қудуқ» номли илк ҳикоясининг чоп этилиши билан адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Сўнгра кўплаб ҳикоялари матбуотда чоп этилди. Адибанинг 1985 йилда «Чиннигул», 1987 йилда «Қудуқ» ҳикоялар тўплами «Ёш гвардия», «Совға» тўплами эса Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиқди. Шунингдек, «Қорабоғнинг оқ тонги» ва «Чимқўрғон» номли очерклар тўпламлари ҳам мухлисларга маъқул тушди. «Биринчи ўқ» драмаси ёш ёзувчиларнинг IV семинарида юқори баҳо олиб, Маданият ишлари вазирлиги томонидан сотиб олинди. Қалам соҳибаси учун 1996 йил айниқса муваффақиятли келди. «Насаф» нашриётида «Қишлоқдаги баланд иморат» ҳикоялар тўплами мухлисларга туҳфа этилган бўлса, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилган «Илоҳий тун» номли Амир Темурнинг болалигига бағишланган қиссанинг биринчи қисми китобхонлар қўлига тегди. Бу китоб соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига тўёна бўлди. Мазкур асар ҳақида истеъдодли ёзувчи Саъдулла Сиёев шундай деб ёзган эди: «Иқтидорли ёзувчиларимиздан Шарофат Ашурова мозийга қайтиб яхши бир қисса битибди. Муаллиф Амир Темурнинг болалик йилларини қаламга олибди. Бўлажак соҳибқирон маънавий раҳнамоси шайх Шамсуддин Кулол ҳузурида таълим олар экан, илк бора золимларнинг қаттол зулмига тўқнаш келади, митти қалби ларзага тушади. Аёнки, шайх Шамсуддин Кулол ҳам султонул-орифин Аҳмад Яссавий, валийтарош Нажмиддин Кубро сингари каромат соҳибларидан эди. У бўлажак жаҳонгирга «Темур» дея қутлуғ исм қўйиб берди. Мурғак гўдакни дуо қилиб, яратгандан бу норасиданинг иқбол юлдузи мангу порлаб туришини тилади. Тангри таоло иноятн ҳам шундоқ бўлди.

Қиссани ўқиб, пири комил Шамсуддин Кулолнинг мазлумлар ҳақига қилган дуоси нечук мустажоб бўлганлигини ҳаяжон ичра кузатасиз. Ва муаллиф топган мантиққа ишонасиз. Шарофатнинг ютуғи ҳам шунда».

Ҳа, бу асар илоҳий тунларнинг ширин азоби бўлиб дунёга келди. Унда тарихда номларигина айтилиб, тўла ўрганилмаган буюк инсонлар образини чизишга уриниш бор. Жумладан, Амир Темурнинг отаси — Тўғғай Баҳодир, онаси — Тегина Бегим, ўгай онаси — Йўқон Хотун, Амир Қозоғон, Амир Қозонхон, Амир Ҳусайн, Амир Темурнинг севимли хотинлари — Туркон Оға Бегим, қаршилик машҳур меъмор, Оқсарой қурилишида иштирок этган уста — Али Насафий, унинг севгилиси — Гулгуной образларини ёзувчи яхши идрок этган, ишига яраша тасвири ҳам ишонарли чиққан. Ростини айтганда, ушбу қисса Амир Темурнинг болалик даврини ҳаққоний гавдалантирган илк бадиий асардир. Муаллиф ёш Темурнинг иztиробларини ёрқин, ишонарли ва таъсирчан тасвирлай олган. Биз сўзимиз охирида мухлислар ҳурмат эътиборига молик асарлар яратишида илҳом, куч-ғайрат адибани тарк этмасин деймиз.

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ,
Қарши университети

Халқ удумлари

ТАЛҚОН

Ҳайит куни яқин қолди. Кимни кўрсам талқон қилдингизми, талқон ҳайит дастурхонида албатта бўлиши керак дейди.

Бизни кўп қаватлик домимизда дастурхончи (йўқолиб бораётган касб) йўқ экан. Тенгдошларимдан талқон қандай қилинади десам, ҳар хил маслаҳатлар беришди. Бири нонни қотириб, қийма асбобига соласиз, кейин унга шакар қўшасизу талқон тайёр, дейди. Бошқаси жўхорини қовуриб кофемолкада туясиз, сўнг шакар қўшасиз, деб ўргатади. Учинчиси бўлса, йўғ-е, таъзияга қилинадиган талқон учун ун қовурилади, холвайтарга ўхшатиб кейин шакар аралаштирилади, деб дудмалроқ гап қилди.

— Лекин эски шаҳарда тайёрини ҳам сотишади. Бошингизни оғритмай боринг, олинг қўйинг, — дейди яна бири.

Мен ёшлигимда уруш вақтлари, ундан сўнг ҳам, аям қилган жўхори талқонга қаймоқ қўшиб еганим эсимда. Жуда мазали, тўқ тутадиган наҳорги таом эди. (Ҳозирги чиққан «попкорн» ўшанга бироз ўхшайди). Лекин ҳеч ўзим қилиб кўрган эмас эканман.

Қайдасан эски шаҳар деб бозорга бордим. Роса айланиб, чарчадим.

— Талқон қаерда сотади? — деб бир бозорчи аёлдан сўраган эдим, ўйлаб туриб:

— Талқон, ҳа талқон, уларни жойи йўқ, қаер тўғри келса, сотаверишади. Бир анави қуруқ мевалар, сут-қатиқ сотадиган растага боринг-чи, кеча ўша ерда кўргандек бўлдим, — деди.

Юра-юра охири хотинлар қурт сотаётган жойда қопда комбикормга ўхшаган нарса турганини кўриб қолдим.

— Бу нима?

— Айланайин, талқон-ку.

Кўзим ярқ этиб очилиб кетгандек бўлди.

— Талқон, қанақаси? — дедим.

— Меники жўхориники, — деди бири.

— Меники гуручники, — деди яна бири.

— Унники, яъни буғдойники кимда бор? — дедим бўш келмай.

— Ундан қилмаймиз, чироғим, — дейишди.

— Менга ундан бўлади дейишган эди, — дедим.

— Йўқ, йўқ, биз билмаймиз, — деди қозоқ хотин.

Мен нарироқда яна бир аёл сотаётганини кўриб борсам, уники ҳам гуручдан бўлган экан.

Сут-қатиқ сотаётган ёши мендан улуғроқ аёлнинг олдига бордим-да:

— Опажон, битта маслаҳат берсангиз, майлими? — дедим.

— Вой, опангиз ўргилсин, ўнта маслаҳат ҳам бераераман. Бариси текин бўлади, — деди кулиб.

Мен хушфеъл аёлга дуч келганимдан хурсанд бўлиб:

— Менга талқон керак эди. Шу сотаётганлардан олсам бўлаверадими? Ёки бошқа ерда ҳам сотадими? — дедим.

— Талқон нима учун керак эди, жоним? — деди.

— Ҳайит дастурхонида бўлиши шарт эмуш...

— Ҳа, ўргилай, дастурхонда бўлса савоб бўлади дейишади...- деб гапини тугатмаган ҳам эди. Ёнидаги хушрўйгина ёшгина жувон бир мижозига сут қуяётиб, гапимизга қулоқ солиб турган экан шекилли, аралашди:

— Талқон ўзи нимага?

— Ҳайит дастурхонига.

— Келин ҳайитигами ёки таъзия ҳайитигами?

— Таъзияга...

— Кимингиз ўлган?

— Эримлар қазо қилганлар.

— Вой ўлмасам, эриз ўлганига дастурхонига бозорни талқонини олиб қўясизми?

— Нима қилиш керак? — сўрадим хижолат бўлиб ва ўзимни айбдор сезиб.

— Нима қилай эмуш, ҳаҳ, кечга қолипсиз. Энди эсингизга тушдими? Талқонни бир-икки ҳафта олдин пиширилиб, (чўзиб) қўяди расм, — деди менга ғаши келиб.

— Эскирмайдими? — дедим.

— Нега эскирар экан, уни қилиб (чўзиб) еб (чўзиб) юрилади, неча ойгача, ҳа кейинги ҳайитгача.

Мен ҳалиги ширин сўз аёлга илтижо кўзларим билан қарадим шекилли.

— Хачча, қўйсанг-чи, нима деяпсан, (деб ёшини гапини илиб олди) қўшниларингда дастурхончи хотин борми?

— Йўқ, домда, янги шаҳарда турамиз.

— Ҳа, бирорта ёши улуғ аёл борми?

Ўйлаб кўрдим.

— Йўқ, домимизда энг ёши каттаси мен бўлсам керак...

Гапга яна ҳалиги ёш (Хачча) жувон аралашди.

— Ёшингиз нечада?

— Ёшим катта.

— Ҳа, элликдан ошгандирсиз?

(Мени ёшартирганига хурсанд бўлиб):

— Ҳа, анча ошганман.

— Ким бўлиб ишлайсиз?

— Айтсам, уялтирасиз.

— Йўғ-е.

— Ҳа, судямисиз?

— Йўқ.

— Прокурормисиз? (Бу касблар эътиборли экан-да, сўраяпти).

— Йўқ.

— Юраверган экансиз-да талқон қилишни ҳам билмай, — деб яна гапини чўзиб гапирди.

— Бекор юрганим йўқ, — дедим талқон қилишни билмаганим учун уялиб.

— Шу маҳалгача биронта қариндош-уруғингиз ўлмаганми?

Мен нима дейишни билмай:

— Ўлишган, — дейман худди айбдордек.

— Ҳайит қилмаганмисизлар?

— Қилганмиз... — (мақтанадигани ҳам бор экан).

— Дастурхонга талқон қўймаганмисизлар?

— Қўйилган эди шекилли, лекин аям, аммаларим қилишган, мен кўрмай қолган эканман, — дедим ҳозир яна янги айбим очилишидан қўрқиб.

Ёш жувон менга янги савол бериб уялтира олмай қолганига энсаси қотиб ғаши келди шекилли.

Ёши катта аёл:

— Ҳали кеч эмас, ҳайитга тўрт кун бор. Бирорта қариндош-уруғингизга айтсангиз, қилиб беришади, ёки ўргатишади. (Менинг хафа бўлганимни сезди шекилли). Хафа бўлманг, эрингиз қазо қилганларининг хафагарчилигини ўзи сизга етиб ортади, ўргилай, — деди.

— Ҳамма дастурхон расмрусумдек бўлсин, камчилик бўлмасин, одамлар гапириб кетмасин, девдим-да...

Яна гапни ҳалиги ёш жувон юлиб олди:

— Гапиради-да, битта талқон қилишни ҳам билмасангиз! — деди яна мени камситиб.

— Гапирмайди, гапирганларни ўзига қийин, ўргилай. Э қўйманг, ўша талқонни дастурхонга. Бошқа нарсалар, пишириқларни қўйинг...

Яна гапни юлиб ёш хотин олди:

— Вой, Раҳимпа, капкатта хотин бўлатуриб, нега ундай дейсиз. Талқон столни кўрки, ҳайитни «основной» овқати-ку?

— Эй қўй, жа кўп гапирдинг-ку ўзинг ҳам прокурор, терговчи бўлиб кетдинг. — Эгачи (менга мурожаат қилди ёши улуғ аёл) ўша талқонни қўймасангиз ҳеч гап бўлмайди. Талқонни қўйган билан эрингиз тирилиб ҳам келмайди. Агар талқон қилишни биладиган одам топилса, қиларсиз. Бўлмаса, янаги ҳайитда қўярсиз. Жуда талқон қўйгингиз келса, мени олдимга келинг, ўзим қилиб бераман, уни ҳеч қийинчилик жойи йўқ, ўргилай, — деди менинг кўнглимни кўтармоқчи бўлиб.

Ёш жувонни энсаси қотиб:

— Сизга нима, энди бир қилмаганингиз, бир танимаган одамни (мени бошимдан оёғимгача бошқатдан таҳқирлаб қаради-ю) ўлиги учун талқон қилиш қолиптими. Унга қанча масаллиқ кетади-ю...

Мен «раҳмат» деб кетаётиб, орқамдан ёши улуғ ширин сўз аёлнинг:

— Ҳайитни яхшиликлар, қувончлар билан кутиб олинг, кўрган-боққанингиз шу бўлсин, айланай, — деганини эшитдиму унга ўгирилиб, ўз истакларимни айта олмадим. Чунки кўнглим шундай ғаш, иззатнафсим ер билан битта қилинган эди.

Аламимдан йиғи босилмай, уввосга айланди. Мени кўрганлар арафа кунлари йиғлаб юрганимга ҳайрон эди.

Уйга келсам набираларим менга нима олиб келдингиз деб, қуршаб олишди. Бутун бошли бозорга борипману набираларимга ширинлик олмай келганимга ўзим ҳайрон эдим.

Ўзим эзилганим етмай ҳалиги ёш жувоннинг мени эзиб изза қилиб, камситиб талқон қилиб юборганига ўзи мазза қилиб ўтирган-дир, деб ўйлардим. Агар ўша аёл ёзувчи эканимни билса, нималар деб изза қиларди экан-а? Ёзувчи бўлмай кет, битта талқон қилишни билмасанг, деб роса кулар эди-да.

Лекин талқон қилиш қийин эмас экан, қилдик, ҳайитнинг «основной» овқатини. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деб халқимиз бекорга айтмаган.

ОЛМОС

Эл кўзидаги кишилар

ЯНГИ ДУНЁ ОДАМИ

Ҳар бир ижодкор қаламкашнинг ўз тақдири бор. Бировнинг тақдири одил ва меҳрибон, бировники шафқатсиз, аммо саховатли, бошқасиники чигал ва мубҳам...

Сафар БАРНОЕВни билганларнинг кўпчилиги уни қувноқ, ҳазилкаш, сиртига сув юқтирмайдиган одам деб билади. Мактабни битиргандан кейин Тошкент Давлат университетида ўқиган, газета, журналларда, нашриёт ва ёзувчилар уюшмасида ишлаган кабинет одами деб ўйлайди. Бу ҳам бир томонлама тўғри. Лекин уни ёзувчи қилган, қўлига қалам берган бу эмас. Булар унинг маҳорат поғоналарини эгаллашга, қалами чархланишига сабаб бўлди, холос.

У уруш бошланишидан уч йил олдин туғилган. Эсини таниб, кўзини очганда ҳаёт унга оғир кунларни кўрсатди. Йўқчилик, қаҳатчилик, очлик.

Отаси урушга кетган. У онаси ва бувиси билан қолди. Турмуш эса тошдан қаттиқ эди.

Бу фожиа фақат уларнинг оиласи эмас, бутун халқ бошига тушган фалокат эди. Аммо бу фалокатнинг ҳар оилада ўзгача бир доғу ҳасрати бор. Болалик таассуротлари тошга ўйилган хатдай, сира ўчмайди. Хира тортмайди. Аксинча давр ўтиб, узоқлашган сари йириклашиб, ўша пайтда мавҳум бўлган нарсалар ойдинлашиб, жароҳатга, армонга айланиб боради.

У онаси ва бувиси билан Бухорода, Лабиҳовуз яқинида яшарди. Онаси нонвойлик қиларди. Сафар ёш боши билан нон сотарди. Кейинроқ бўйи ўсиб, ўзи хамир қориб, нон ёпадиган бўлди. Мактабда бир куни муаллим кўпчилик олдида уни изза қилди. «Пионер бўла туриб, нон сотиб юрибди» деб.

У анчагача ўксиб юрди. Воқеадан хабардор бўлган бир кекса ўқитувчи унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб бир воқеани айтиб берди.

Ўттизинчи йилларда муаллим ўз ўқувчиларини сафга тизарканда:

— Сиз янги замон болаларисизлар. Янги замон боласи қандай бўлиши керак? Ҳа, балли, эскилик қолдиқларига қарши курашиши керак. Шундайми? Сиз янги замон учун нима қилдингиз?

Шунда бир бола икки қадам олдинга чиқди.

— Иккита ғишт кўчириб келдим.

— Қаердан кўчирдинг?

— Аркнинг орқа деворидан.

Муаллим мамнуният билдириб, болага яқинлашди ва бошини силаб туриб, ўқувчиларга деди:

— Чапак чалмайсизларми? Қани бир қарсак бўлсин.

Болалар қарсак чалиб, синфдошини олқишлади.

Шундай қилиб, қарсак олишни истаган, оқ-қорани билмаган болалар мадраса, мачит ғиштларини кўчириб, мактабга олиб кела бошлади. У ғиштларнинг ўқитувчига ҳам, мактабга ҳам кераги йўқ. Ота-боболар фарзандим маърифатли бўлсин деб қурган бинолларни йўқотиш, халқни ўтмишидан жудо қилиш, шўролар мафкурасини сингдириш учун ўйлаб топилган «тадбир» эди бу.

Сафар Улуғ минор, Лаби Ҳовуз яқинида қанча кўркам бинолар шу тариқа йўқ қилинганини кўп эшитган, қанча мадраса ва мачитлар омборхонага айланганини, баъзиларига қаерлардандир кўчиб келган одамлар ўрнашиб олганини, оёқ ости қилинганини ҳар куни кўрарди.

— Бухорода аёллар қандай озод қилинганини биласизми? дейди Сафар, — жуҳудлар ҳар куни дойра чалиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушиб ўтаётганда аёллар дарвозани қия очиб томоша қилади. Қизиқ-да. Ёш болалар, бекорчилар томоша қилиб, эргашади. Баъзи жувонлар ҳам қизиқсиниб, томошага чиқади. Регистон майдонига борганда эргашиб келганларга туз, совун, гугурт, рўмол совға қилишади.

Бу ҳар куни такрорланади.

Рўмол, туз, совун олганлар «совға»ларни қўшниларига кўрсатиб мақтанади. Текин берилганини эшитган қўшнилар ҳам эртасига томошага қўшилади. Ўшанда ҳам турмуш оғир, қимматчилик эди.

Шундай қилиб, кўп қиз, жувонлар дарвоза хатлаб кўчага чиқади. Мусиқа ва қўшиқ билан, текин совғалар билан муштипар аёллар кўнглига ғулғула солиб, ҳаё пардасини кўтаргач, кунлардан бир кун Регистонда гулхан ёқилади. Бир-икки ташвиқотчи аёл: «Йўқолсин паранжи», «Йўқолсин чачвон», деб паранжисини гулханга отади. Баъзилар қўшилади, баъзилар бу хийла маъносини тушуниб, уйига югуради.

Халқнинг минг йиллик удумлари, турмуш тарзидан айиришнинг усуллари кўп.

Булар бўлажак ёзувчи учун тайёр ўлжалар эди. Ҳаёт қизиқарли фожиа ва кулгили воқеаларга бой. Уларни тартиб билан мантиқий боғлаб тасвирласа, бўяб-бежашга, ёлғон-яшиқлар билан тўлдиришга ҳожат қолмайди.

Сафарнинг буваси ҳақидаги хотиралар ҳам жуда антиқа. У кишининг қулоқ қилингани, эшакка тескари миндириб сазойи этилгани, кейинги сарсонсаргардонликлар инсон боши тошдан эканлигини эслатади. Ўша даврга нисбатан нафрат, ноҳақлик қурбони бўлган жафокаш одамлар қисматига далдасиз ачиниш, армон туйғуси кўнгилни ўртайди.

Сафарнинг ёзувчи бўлишига бобосидан отасига, ундан ўзига қадар ўтиб келган аччиқ фожиалар сабоғи сабаб бўлган назаримда.

Унинг уруш ҳақидаги қисса ва ҳикояларида, тўпламларида изчиллик билан тасвирланган воқеалар шундан далолат беради. «Биринчи табассум», «Эгизаклар», «Кичкина Хўжа Насриддин», «Янги кунлар» каби қиссаларида буни аниқ кўриш мумкин.

Сафар Барноевни кўпчилик болалар шоири сифатида билади. Тўғри, у болаларга атаб кўп шеърий китоблар ёзди. «Алдагани бола яхши» деган мақол Сафарга тўғри келмайди. Чунки у болаларни алдаш учун ҳавойи гап тўқимайди. Ҳақиқатни айтади. Яланғоч фикрни қофияга солиб, ҳақиқат деб тавсия қилиш шоирнинг вазифаси эмас. Буни яхши билган шоир ибратли фикрни бадиий шаклда табассум билан ифодалайди. Китобхон ҳам бундай шеърни ўқиганда енгил тортади. Кулади. «Соғинч», «Чеҳралар», «Дадам ҳақида қўшиқ», «Тинчликни улуғлаймиз» тўпламларидаги кўпчилик шеърлар шундай.

Сафар билан кўп вилоятларга бирга борганмиз. Ҳамиша керакли гапни топиб, ўрнида ишлатади. Ҳазил-мутойибага ғоятда уста. Китобхонлар билан учрашувларда ҳамманинг эътиборини жалб қилади. Болалар ҳам, катталар ҳам унинг шеър ўқишидан, қизиқ гапларидан завқ олади.

Кечагина (бундан 45-50 йил бурун) Бухорода нон сотиб, новвойлик қилиб юрган қорагина бола, тангри берган истеъдод туфайли йигирмадан ортиқ китоб чиқариб, катта шоир бўлибди. Олтмиш ёшга кирибди.

Умр — оқар дарё. Ҳаёт — синов майдони. Инсон бу дунёга синов учун келаркан. Тақдир синовларидан ёруғ юз билан ўтиб келаётган, биродарим, умрингиз яна ҳам зиёда, ижодингиз яна ҳам қаймоқли бўлсин.

Маъруф ЖАЛИЛ

СИГАРЕТЧИ АЁЛЛАР, ҲОРМАНГ!..

Бозор — юрт жамоли дейишади. Дарҳақиқат, бозори тўкин-сочин, обод бўлган юртнинг қорни тўқ, яшаши файзлидир. Бугун ҳамма йўллар бизни бозор томонга етакламоқда. Бозор тараққиётнинг ҳавосини белгиламоқда. Одамларни ҳаракатга ундамоқда. Шу боисдан бозорларимиз гавжум. Кимдир четдан мол олиб келиб сотаётган бўлса, яна кимдир деҳқондан кўтарасига арзонроқ олиб қимматига пулламоқда. Хуллас, тирикчилик деб аталмиш тегирмон тўхтовсиз ҳаракатда. Тирикчиликнинг айби йўқ. Бозорда турли хил одамларни учратиш мумкин. Кимдир арава тортиб ҳаммоллик қилади, кимдир мардикор ёлланган. На қиладиган ишининг, на насл-насабининг тайини йўқ дайдилар ҳам бир талай. Шу ўринда кийимлари бир аҳволда бўлган бундай одамлар қаердан келишмоқда, бунинг сабаби нима? деган савол туғилади. Улар қаерда тунайдилар, нима иш қиладилар деб ҳеч ўйлаб кўрилдимикан?

Буниси ҳам майли. Бугун бозорларда «тирикчилик» қилаётган антиқа гуруҳ пайдо бўлган. Бу гуруҳ турли ёшдаги аёллардан ташкил топган. Улар ичида 40-45 яшар аёллардан тортиб, 15-18 яшар қизлар ҳам бор. Улар бозор ичида одамларни оралаб донабайга сигарет сотишади. Булар сони анчагина. Уларга қараб туриб тил учига беихтиёр саволлар қалашиб келаверади. Бу аёлларнинг оиласи, ота-онаси, ака-укаси борми? Наҳотки улар буларнинг шу аҳволда юришларига рози? Ва ниҳоят улар сигаретни кимдан оладилар?

Суриштириб билсак, бозорда уларни сигарет билан таъминлайдиган бойвачча «ҳомийлар» бор экан. Эрталаб улар аёлларга «мол» улашадилар, кечқурун ҳисоб-китоб қилинади. Ҳар ким ўз улушини олади. Чорсу бозорида сигарет сотаётган жувоннинг айтишича, ҳомий акахонлар уларни солиқчи, паттачи ва турли «бало»лардан ҳимоя қилишар экан. Демак, кўзга кўринмас «майда» иш олиб борилаяпти. Одамларга арзимасдек туюлган бу ишнинг ортида катта иллат яширинган ётибди. Аёл сигарет сотса, ўз боласига ўзи заҳар тутса, бу ҳолни нима деб атаймиз?

Холли НОРБОЕВ,
«МТ»нинг махсус мухбири

Ой манзиллари

ЗОЙИЧАНГИЗГА ҚАРАБ ҚЎЯСИЗМИ?

12—14 апрел Ой тўлган кунлар. Кўрдингизми, у мусаффо осмонимизда қанчалар яшнаб, баҳор кечаларимизни гўзал ва сирли қилиб турибди. 13 апрелда Ой Ақраб буржига кирди. 14-да ҳам шу буржда бўлиб, сўнг 17-гача Қавс буржида ҳаракат қилади. 17-да чоракта бўлиб Жадийга ўтади. 19-да Далв билан кўришади.

Бу кунлар одамларда ижодий куч-қувватлар кучаяди. Бу ҳолат коинот ва Ердаги ижодий ҳаракатчанликнинг кучайиши билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу кунларда йирик экология ахволотларининг юзага келиши, ер қимирлашлар, сув, ҳаво ҳаракатларининг шиддатли тус олиши кузатилади. Нима дейсиз: коинот кучга кираётган ва янгиланаётган палла-да! Лекин 22 апрелдан кейин ажиб мўътадил кунлар бошланади. Ҳамкорликлар, алоқалар, ўзаро битишувлар муваффақият билан якунланади. Одамлар фаолиятида фойдали йўналиш ортади. 14—15 апрел Ойнинг ўн еттинчи ва ўн саккизинчи суткаси бирмунча зиддиятларга бой бўлади. Ҳиссиётларда шаҳду шиддат авжга киради. Баъзан ўзаро муомалалар, келишувлар қийин кечади. Лекин ажойиб томони шундаки, шу зиддиятларнинг ичида уларни ҳал қилиш йўллари, усуллари ҳам топилади. Дастдарозларда ҳомийлик истаклари пайдо бўлади. Ишқий сурур майллари кучаяди. Одам ўзини забткор кўришни истайди. Лекин ҳар ишда меъёр яхши ва у ютуқлар гаровидир.

ТУЛКИ ОВИ



Кирки билан овлаш усули. Дурбин воситасида тулки топилгач, кирки чалинади. Ярадор ёки асоратга тушган қуённинг важоҳат билан чинқириши ёки сичқон чийиллашини эслатувчи «чи...чи...чи...й»га тақлид қилиш керак. Бу пайт овчи тўнка, бута ёки қулаган шох панасида шамолга қарши ўтиради.

Тулки кирки овозини салкам бир чақиримдан, аниқроғи 800-900 метрдан эшитади. Эшитмаса, йигирма дақиқалардан сўнг яна кирки чалиш лозим. Бу галгисини албатта эшитади. Шундан кейин отишга тайёр туриш керак. Йиртқич албатта келади. Қуён чинқирган ёки сичқон чийиллаган жойни у яхши эслайди. Оралиқ 30-35 қадам бўлса — учинчи, эллик метр бўлса — биринчи, олтмиш метр бўлса — нулевой питрали ўқ билан отиш керак. Ўқингиз нишонга аниқ тегса, тулкининг думи шамдек тикка кўтарилиб сўнг қулайди. Демак, ўлжа сизники! Ортиқча марта кирки чалиш керакмас, сунъийликни фош қиласи. Йиртқич келмайди. Олинган ҳар бир ўлжадан кейин, яъни ўқ отилгандан сўнг камида бир соат жим туриш зарур. Кейин яна кирки чалинса бўлади. Овнинг муваффақияти киркини тўғри чалишга боғлиқ. Қари тулки билан ёш тулки киркига тез келади.

Кирки овчилик дўконларида сотилади. Тажрибали мерганлар бу асбобни ўзлари ясайдилар.

Овнинг маъқул пайти соат кундузги учдан кун ботгунга қадардир.

Тулки дарахт, тўнка, тош, дўнгалак сингари жойларга пешоб қилиб ўзининг 6-10 чақирим доирасидаги майдони чегарасини белгилаб қўяди. Бегона тулки чегарани бузса, у билан қаттиқ жанг қилади.

Айниқса феврал ойида овлов унумли бўлади. Сабаби, бу даврда тулкилар илиққан бўлиб, битта мода кетидан тўртта-бешта кўппаги дала, тўқай ва чакалакзорларда изғиб юради.

***Жуда муҳим гап:** тулки отилгач, човидан кесиб териси шилиб олинади. Терини салафан халтага солиб, оғзини маҳкам бўғиб бойлаш керак. Акс ҳолда бургалар овчига ўтиши табиийдир. Бурга билан кана ўлик танани тарк этиб, тирик организмга интилади. Сабаби, иккаласи ҳам қонхўр! Қаттиқ совуқларда ҳам тулкининг ўз инига кирмаслигининг сабаби ана шу бурга билан канадир. Кучли бўрон ва қаттиқ жала ёки дўл ёққандагина йиртқич инига киришга мажбурдир.*

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор)

Мавлон ИКРОМ

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —011162.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида Исломова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Холли НОРБОЕВ